

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«БМИни ҳимоя учун ДАКга
тавсия қиласман» факультет
декани _____
доц., Т.Шарипов
«___» ____ 2018 йил**

**«Касбтаълими» кафедраси
5111017-касб таълими: иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитиш
методикаси (КҲҚлари мисолида)**

Бажарди: КТИ – 114 гурӯҳ талабаси

Маматқулова Г.Ф.

**Илмий раҳбар: «Касб таълими»
кафедраси и.ф.д., профессор**

Мухаммедов М.М.

**Малакавий иш муҳокама қилинди
ва ҳимояга руҳсат берилди:
кафедра мудири, п.ф.н., доцент
_____ О.Ж.Суюнов
«___» ____ 2018 йил**

Самарқанд – 2 0 1 8

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-5
I – БОБ . “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусининг касб ҳунар коллажларида ўқитиш методикасини ташкил этишнинг илғор усуллари.....	6-26
1.1.“Ялпи миллий маҳсулот” тушунчасининг моҳияти ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги аҳамияти.....	6-16
1.2. Ўқитиш методикаси ва уни ташкил этишга қўйиладиган талаблар, иқтисодий фанларни ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	17-26
II - Боб. Самарқанд иқтисодиёт коллежида “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитиш амалиётининг таҳлили	27-39
2.1. Самарқанд иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўқитишни ташкил этиш тамойиллари ва шакллари.....	27-34
2.2. Замонавий педагогик технологиялар ва усуллардан фойдаланиш методикасининг таҳлили.....	35-39
III-Боб. Замонавий педагогик технологияларни қўллаш асосида таълим самарадорлигини оширишнинг методик жиҳатлари.....	40-62
3.1. Самарқанд иқтисодиёт коллежида педагогик технологияларни жорий этиш методикаси.....	40-46
3.2. Колледжа “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялар усулидан фойдаланиш бўйича тавсиялар.....	47-55
3.3 Самарқанд иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида техника ва ёнғин хавфсизлиги.....	56-62
Хулоса.....	63-64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	65-68
Иловалар.....	69-70

Кириш

Мавзунинг долзарбилиги: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастурида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида кўрсатиб ўтилганидек-«Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш;»¹ да ва бу вазифаларни амалга оширишда мавжуд таълим ва кадрларни тайёрлаш тизимларини тубдан ўзгартириш замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибаларга, таълим жараёнини ҳамма босқичларида, узлуксиз таълим тизими таълим муассасаларининг ҳамма шакли ва турларида илғор методик таълимлар муҳим ўрин тутади.

Модернизациялашаётган таълим тизимимизда педагогиканинг долзарб вазифаларини фан, техника, илғор технологиялар ютуқларидан фойдаланиш асосида шахсни тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантириш мақсадлари, мазмуни, методлари, воситалари ва ташкилий шаклларини илмий таъминлаш ташкил этади.

“Ялпи милллий маҳсулот” мавзусини ўрганиш ва амалий машгулотларни бажаришдан мақсад ҳам ушбу муҳим соҳада назарий билимларни эгаллаш ва мустахкамлашладан иборатдир. Талабаларнинг ялпи милллий маҳсулот ҳақида фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мақсадида маърӯзаларда муаммоли вазият, топширик ва масалалар бериш яъни “Интерфаол усуслар”

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастури материалларидан \., Тошкент, 2016 йил, 14 б.

дан фойдаланиб ўқитишининг янги педагогик технологиясини жорий этиш эътиборга олинган.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун касб – ҳунар таълими тизимида илмий изланишлар олиб бориш, замон талабига мос бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлашга имкон берадиган ўқитиши методикаси ва таълим технологияларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бундай зарурият бизга битирув малакавий ишимиз мавзусини “Ялпи миллий маҳсулот ” мавзусини ўқитиши методикаси деб номлашимизга асос бўлди.

БМИ нинг мақсади. Касб – ҳунар коллежларида педагог иқтисодчи йўналиши бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида “Иқтисодиёт назарияси ”фанини ўқитишида ноанъанавий таълим методларини қўллаш ва “Ялпи миллий маҳсулот ” мавзусини ўқитиши методикаси учун зарур тавсияларни ишлаб чикишдан иборат.

Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

1. Касб–ҳунар коллежларида ўқитиши услубиятини ташкил этиш ва уни ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
2. “Ялпи миллий маҳсулот ” мавзусини ўқитиши методикасини назарий тавсифини ўрганиш .
3. Касб-ҳунар коллежларида ўқитишини ташкил этишни асосий шаклларини кўрсатиб бериш.
4. Таълим бериш технологияларини таҳлил қилиш
- 5.“Ялпи миллий маҳсулот ” мавзусини ўқитиши методикаси мавзусини ўқитиши методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот обьекти: Битирув олди малакавий амалиёт ўталадиган Самарқанд иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг таълим жараёни .

Тадқиқотнинг предмети. “Ялпи миллий маҳсулот ” мавзусини ўқитиши методикасини назарий, методологик масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги” қонуни, 2017-

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси сифатида танланди. Аниқ вазифаларни ҳал қилишда иқтисодий ва педагогик технологияларни ёритиб берган педагогик адабиётлардан фойдаланилади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти: Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, “Иқтисодиёт назарияси”фани педагог иқтисодчилар учун асосий фанлардан бири ҳисобланади. КҲКларда иқтисодий йўналишдаги фан ўқитувчиларига, маърӯзачиларга, талабаларга амалий ёрдам беради деган умиддамиз.

БМИни бажариш даврида ўқув методик, илмий техникавий қўлланмалардан, маълумотнома ва меъёрий хужжатлардан давлат стандартларидан, ўқув-методик мажмуа курсатмаларидан БМИни бажариш “Низом”и талаблари асосида бажариш назарда тутилди.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши: битирув малакавий иш кириш, учта боб, еттита параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

I – БОБ . “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусининг қасб ҳунар колледжларида ўқитиши методикасини ташкил этишнинг илғор усуслари

1.1.“Ялпи миллий маҳсулот” тушунчасининг моҳияти ва мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётидаги аҳамияти

Жамият аъзоларининг эҳтиёжлари мунтазам ровишда янгиланиб, миқдоран кўпайиб ва сифат жиҳатидан такомиллашиб боради. Эҳтиёжларнинг узлуксиз ўзгариб туриши ҳар қандай жамиятга хосдир. Шунинг учун ҳам жамиятда қандай иктиносий тизим ҳукмронлик қилишидан қатъий назар, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ишлаб чиқариш жараёни тўхтовсиз янгиланиб, такоран амалга ошиб туради. Жамият миқёсидаги ишлаб чиқаришни бир зумга ҳам тўхтатиб бўлмайди ва унинг иложи ҳам йўқ. Чунки ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнлари бир-бирлари билан ўзаро боғланиб кетган. Биргина ишлаб чиқариш жараёнининг узилиши ялпи маҳсулот ҳажмининг кескин камайиб кетишига ҳамда жамият аъзолари эҳтиёжларининг қондирилмай қолишига олиб келади. Шу сабабли мамлакат аҳолисинининг эҳтиёжларини мунтазам ровишда қондирилишида ижтимоий такрор ишлаб чиқариш муҳим рол ўйнайди. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш деб жамият миқёсидаги ишлаб чиқариш жараёнларининг мунтазам ровишда янгиланиб ва такоран амалга оширилиб турилишига айтилади.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш икки кўринишда амалга оширилади: оддий такрор ишлаб чиқариш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш.

Оддий такрор ишлаб чиқариш – бу ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармаган ҳолда такрорланишини ифодалайди.

Одатда бундай ишлаб чиқариш кўпроқ анъанавий иктиносидиёт тизимиға мос келади. Оддий такрор ишлаб чиқариш ўз ички эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ишлаб чиқариш ҳисобланади. У айирбошлаш учун мўлжалланмаган.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш – бу ишлаб чиқариш ҳажми мунтазам равища ошириб боришга асосланган холдаги такрорланишни ифодалайди.

Бу турдаги ишлаб чиқариш барча ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг асосини ташкил этади ва у айирбошлиш учун мўлжалланган.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш натижасида мамлакат миқёсида миллий маҳсулот яратилади. Миллий маҳсулот барча моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматларни ўз ичига олади.

Макро ва микроиктисодий тизимнинг яхлитлиги.

Макроиктисодиёт – бу мамлакат миқёсида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларни бир бутун қилиб бирлаштирган миллий ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир.

Макроиктисодиёт ўз ичига иқтисодиётнинг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини олади.

Миллий иқтисодиётнинг асосий функционал аҳамияти мамлакат аҳолисининг доимий равища ўсиб борувчи ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларини қондиришда намоён бўлади. Миллий иқтисодиётнинг асосий муаммоси макроиктисодий таҳлил ёрдамида аниқланади. Бунда макроиктисодий жараёнларнинг субъектлари бўлиб алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар (ишчи, тадбиркор, бошқарувчи ва бошқалар) эмас, балки уларнинг нисбатан кенгроқ тоифалари – аҳоли, меҳнат ресурслари, банд бўлган ишчи кучи, ишсизлар ва бошқалар билан ҳисобланади.

Макроиктисодий таҳлилнинг мақсади – такрор ишлаб чиқариш жараёнини объектив равища акс эттирувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш асосида мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишида вужудга келган ҳолатларни баҳолашдан иборат.

Микроиқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолиятига баҳо берилиб, улар фаолиятининг ривожланиш тамойиллари аниқланса, макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали бутун иқтисодиётнинг ҳолати, унинг ўсиши ёки пасайиши таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади. Улар ёрдамида давлат ўз иқтисодий ҳолатини ва келажақдаги истиқболини белгилайди. Бу тизимга кирувчи турли хил кўрсаткичлар, биринчидан, бизга маълум вақт оралиғидаги ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш ва миллий иқтисодиётнинг фаолият юритишига бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради. Иккинчидан, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими миллий маҳсулот ҳаракатининг барча босқичларини, яъни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва натижада фойдаланиш босқичларини кўргазмали шаклда акс эттириш имконини беради. Нихоят, учинчидан, мазкур кўрсаткичлар тизими мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланишнинг мос келиши кузатилганда, мамлакатдаги умумий иқтисодий мувозанатлик ҳолатини акс эттиради.

Миллий иқтисодиёт - бу барча тармоқлар ва соҳаларни, микро- ва макродаражадаги иқтисодиётларни, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир.

Миллий хўжаликнинг таркиб топган тузилиши ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожининг натижасидир.

Миллий иқтисодиётни жаҳон ҳамжамиятидаги бошқа мамлакатлардан ажратиб турувчи тарихий, табиий-географик, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларга эга бўлади.

Миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасининг шаклланишига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- мавжуд бозор конъюнктураси;
- бозорлар сифими ва монополлашув даражаси;
- мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки;

- ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси;
- фан-техника тараққиётининг миқёслари, тавсифи ва ривожланиш суръатлари;
- ишлаб чиқариш ресурсларининг сифати;
- ҳудудларнинг ер майдонлари ва инфратузилма обьектлари билан таъминланганлиги;
- экология ҳолати.

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва уларнинг ўсиши бир қатор кўрсаткичлар тизими орқали микро- ва макроиқтисодий даражада аниқланиб, таҳлил қилинади.

Миллий иқтисодиётда яратилган ЯИМнинг ҳажмини аниқлаш, таркиби ва ҳаракат шаклларини ўрганиш доимий равишда иқтисодиёт назарияси фани учун асосий макроиқтисодий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бутун миллий иқтисодиёт ҳолатини тавсифловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, буларга қуидагилар киради: ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД), ишчи кучи бандлиги, ишсизлик, инфляция ва бошқалар.

Бу кўрсаткичлар моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг умумий ва пировард натижаларини қамраб олади.


Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) - бу маълум вақт давомида, масалан, бир йилда яратилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб етадиган барча тайёр маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг бозор нархидаги қийматидир.

У моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари йиллик фаолиятининг умумий самараси бўлиб ҳисобланади.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) билан ялпи ички маҳсулотнинг фарқи шундаки, ялпи миллий маҳсулотга ҳар бир мамлакат ичидаги ва бошқа турли

мамлакатлардаги корхоналарида ва қўшма корхоналарида вужудга келтирилган маҳсулотлар (шу мамлакат ҳиссасига тўғри келадиган қисми) ҳисобга олинади, яъни ЯММ кўрсаткичига соф экспорт киради (1-чизма).

1-чизма



Демак, 1-чизмадан кўринадики, мамлакат ЯММ ($M_2 + M_3$) 13 трлн. сўмни, ЯИМ эса ($M_2 + M_1$) 12 трлн. сўмни ташкил этади.

ЯММ ва ЯИМ ўртасидаги фарқ у қадар аҳамиятли эмас. Бу фарқ ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг $\pm 1\%$ ни ташкил этади. БМТ статистика хизмати асосий кўрсаткич сифатида ЯИМдан фойдаланишни тавсия этилган.

Қўшилган қиймат – бу корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан мол етказиб берувчилардан сотиб олинган ва истеъмол қилинган хом-ашё ва материаллар, ёнилғи, мойлаш материаллари, энергия ва бошқа инвентарлар қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмининг бозор қийматидир.

Бошқача қилиб айтганда, күшилган қиймат – бу корхона ялпи маҳсулотидан ёки ишлаб чиқарган маҳсулотининг бозор нархидан (амортизация ажратмасидан ташқари) жорий моддий ҳаражатлар чиқариб ташланган миқдорига teng.

Жорий бозор нархларида ҳисобланган миллий маҳсулот **номинал миллий маҳсулот** деб аталади. Ўзгармас, қиёсий нархларда ҳисобланган миллий маҳсулотга эса **реал миллий маҳсулот** деб айтилади.

Ҳар хил йилларда ишлаб чиқарилган ЯИМ қийматини факат нарх ўзгармаган тақдирда ўзаро таққослаш мумкин бўлади. Бундан ташқари, нарх даражаси бизга иқтисодиётда инфляция (нарх даражасининг ўсиши) ёки дефляция (нарх даражасининг камайиши) ўрин тутганлигини ва унинг миқёси қандайлигини билиш имконини беради.

Нарх индекси жорий йилдаги маълум гурӯҳ товарлар ва хизматлар тўплами нархлари суммасини, худди шундай товарлар ва хизматлар миқдорининг базис даврдаги нархлари суммасига таққослаш орқали ҳисобланади, яъни:

**Нарх индекси = жорий йилдаги истеъмол товарлари нархи / базис
йилдаги истеъмол товарлари нархи**

Шартли мисол: 2013 йил ЯИМ қиймати 9837,8 млрд. сўмни ташкил қилган. 2014 йил Республика из иқтисодиётида 12189,5 млрд. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилган. 2014 йилги ЯИМ нарх индекси $12189,5 : 9837,8 = 1,23$ ёки 123,0%га teng бўлади. Демак, **Реал ЯИМ = Номинал ЯИМ / Нарх индекси**

ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айриб ташланса, **соғ миллий маҳсулот (СММ)** кўрсаткичи ҳосил бўлади.

СММдан эгри солиқлар чиқариб ташланса, **миллий даромад** (МД) кўрсаткичи ҳосил бўлади.

Ишлаб чиқарилган миллий даромад – бу янгидан яратилган қийматнинг бутун ҳажми бўлса, фойдаланилган миллий даромад – бу ишлаб чиқарилган миллий даромаддан йўқотишлар (табиий оғатлар, маҳсулотларни заҳирада сақлашдаги йўқотишлар ва х.к.) ва ташқи савдо қолдиғи чиқариб ташланган миқдорга тенгdir.

Шахсий даромад кўрсаткичини топиш учун миллий даромаддан уй хўжаликлари қўлига келиб тушмайдиган даромадларнинг юқоридаги учта турини чиқариб ташлашимиз ҳамда жорий меҳнат фаолиятининг натижаси ҳисобланмаган даромадларни унга қўшишимиз зарур.

Шахсий даромаддан солиқлар тўлангандан кейин уй хўжаликларининг тўлиқ тасарруфида қоладиган даромад шаклланади.

Миллий маҳсулотни ҳисоблашда миллий ҳисоблар тизимидан (МХТ) фойдаланилди. МХТ-мамлакат бўйича яратилаётган маҳсулот (хизмат) ва даромадларни ҳисоблаш услубияти бўлиб, уларнинг ҳосил бўлиши, тузилиши, тақсимланиши ҳамда улардан фойдаланиш жараёнларидаги ҳаракатини ифодалайди. МХТнинг шаклланиши ва ривожланиши икки ярим асрлик тарихга эга.

МХТ БМТ томонидан эълон қилинган «Миллий ҳисоблар ва ёрдамчи жадваллар тизими» номли ҳужжат асосида халқaro статистикада стандарт тизим сифатида 1953 йилдан бошлаб қўлланила бошлади. Ҳозирги даврда дунёning 100дан ошиқ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам мазкур тизим кенг қўлланилди. Ушбу миллий ҳисоблар тизими асосида ЯИМ уч хил усул билан ҳисобланади.

Биринчи усул – бу ЯИМни ҳисоблашга қўшилган қийматлар бўйича ёндошув. Бунда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича яратилган қўшилган қийматлар қўшиб чиқилади (ЯИМ тармоқ ва ишлаб чиқаришлар

бўйича). Бу усул билан ҳисобланган ЯИМ алоҳида тармоқларнинг шу маҳсулотни яратишдаги ўрнини ва ҳиссасини аниқлаш имконини беради.

Иккинчи усул – бу ЯИМни ҳисоблашга сарф-харажатлар бўйича ёндошув. Бунда мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот (хизмат)лар ҳажмини сотиб олишга қилинган бутун сарфлар қўшиб чиқилади.

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулотларни мамлакат ичидаги хўжаликнинг учта субъекти – уй хўжаликлари, давлат, тадбиркорлар ҳамда ташқаридан чет эллик истеъмолчилар сотиб олиши мумкин.

Уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари. Бу кундалик эҳтиёждаги товарларга, хизматларга, узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмларига ва бошқаларга қилинадиган сарфлардир.

Инвестицион сарфлар тадбиркорлик секторининг асосий капитални ялпи жамғаришга қиласидиган сарфларидир. Инвестицион сарфлар асосан учта қисмдан иборат: а) тадбиркорлар томонидан машина, ускуна ва станокларнинг барча хариди; б) барча қурилишлар; в) заҳираларнинг ўзгариши.

Давлат сарфлари (ДС) – бу маҳсулотларни ва иқтисодий ресурсларни, хусусан ишчи кучини сотиб олишга давлатнинг (бошқарувнинг қуи ва маҳаллий органлари билан бирга) қиласидиган барча сарфларини ўз ичига олади.

Чет элликларнинг миллий иқтисодиёт товарларига сарфлари худди мамлакат ичидаги истеъмолчилик сарфлари каби миллий ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ. Буни ҳисоблаш учун экспорт ва импорт миқдорлари ўртасидаги фарқ аниқланади. Бу фарқ товар ва хизматларнинг соф экспорти ёки оддий қилиб соф экспорт дейилади.

Демак, ЯИМ = Истеъмол + Ялпи жамғариш + Давлат Сарфлари + Соф экспорт.

Учинчи усул – бу ЯИМни ҳисоблашга даромадлар бўйича ёндошув.

Мазкур йилда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ҳажмидан олинган барча даромадлар уй хўжаликлари ихтиёрига иш ҳақи, рента тўловлари, фоиз ва фойда шаклида келиб тушади. Шу сабабли бу усулда ЯИМ пировард маҳсулот ҳисобидан олинган ана шу барча даромадларни қўшиб чиқиш орқали аниқланади.

Мамлакатда ЯММнинг яратилиши кўплаб иқтисодий жараёнлар билан амалга ошади. Ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришда уни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш мухим аҳамият касб этади. Шу сабабли давлат ЯММни тақсимлаш ва уни қайта тақсимлаш вазифасини бажаради. Давлат иқтисодиёт тармоқларида яратиладиган ялпи маҳсулотни учга бўлиб тақсимлайди. Биринчиси, яратилган ялпи миллий маҳсулотни солик кўринишда ундириш, иккинчиси тармоқда ишловчи ходимларга иш ҳақи кўринишда ажратиш, учинчиси тармоқда фойда тариқасида қолдириш. Ушбу жараён давлат томонидан бошқарилади. ЯММ қайта тақсимланиши деганда ЯММ яратишдан олинган солик кўринишдаги даромадни иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида ЯММ ишлаб чиқаришни фаоллаштириш учун сарфланиш тушунилади. ЯММни қайта тақсимланиши стратегик ҳарактерга эга бўлган соҳаларга, жумладан, соғлиқни сақлаш, мудофаага, шунингдек, ахолининг кам таъминланган қатламларига сарфланади. Масалан, АҚШ соғлиқни сақлаш тармоғининг ривожланиши учун ЯИМнинг 12-15 фоизини, Россия Федерацияси эса 5 фоизини сарфлайди. Одатда, давлатнинг ЯММни қайта тақсимлаш сиёсатига қараб унинг иқтисодий қудратини, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш имконини ҳамда жаҳон иқтисодиётидаги тутган ўрнини ҳам баҳолаш мумкин. Чунки, ЯММ таркибида солик юки қанчалик кам бўлса, ходимларнинг иш ҳақи ва корхонанинг фойдаси эса қанча юқори бўлса ижобий хулоса чиқариш мумкин. Шунингдек, ЯММни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш сиёсати давлатнинг иқтисодиётни бошқариши, ёки, умуман, бошқаришда иштирок этмаслиги билан боғлиқ муаммоларни ечишда ҳам мухим рол ўйнайди.

Ҳар бир мамлакат олдидағи энг мұхим вазифа ЯИМ ҳажмини ошириб боришидір. Бу борада мамлакатнинг табиий географик ўрни, табиий ва меңнат ресурслари, уларнинг таркиби, табиий иқлим шароити мұхим рол үйнайды. Шунингдек, мамлакатда олиб бориладиган макроиктисодий сиёсат ҳам мұхим ахамият касб этади. Иқтисодий тараққиёт ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бу мамлакатда тўғри белгиланган иқтисодий тараққиёт стратегиясига боғлик. Бунинг учун миллий иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва банд аҳоли ўртасида мувозанат бўлиши талаб этилади. Шу сабабли ЯИМ ҳажмини кўпайтиришга таъсир этадиган омилларни ўрганиш мұхим вазифа ҳисобланди. Ушбу омиллар ичида энг мұхими бандлик ҳисобланади. ЯИМ ҳажмининг кўпайиши мамлакатнинг иқтисодий ўсишини белгилайди. Шунинг учун ЯИМ ҳажмининг кўпайишига таъсир этадиган омилларни таҳлил қилиш мұхим ахамият касб этади. Бандлик ва ЯИМ ўсиши ўртасида тўғри ва, бир вақтнинг ўзида, тескари боғланиш мавжуд. Агарда бирон-бир мамлакатда аҳоли бандлиги ва ЯИМ ўсиш ўртасида тўғри боғланиш таъминласа, ўша мамлакатда иқтисодий тараққиёт бўлади. Акс ҳолда мавжуд иқтисодий тараққиёт ҳам таназзулга учраб, ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради.

Меңнат унумдорлиги ҳам мамлакат ЯИМ ҳажмининг кўпайишида мұхим рол үйнайди. Меңнат унумдорлиги ЯИМга тўғри пропорционал бўлиб, унинг ошиб бориши ЯИМ ҳажмини ҳам ошириб боради. Аммо, меңнат унумдорлиги ҳамма вақт ҳам иқтисодий ўсишни таъминланишида ижобий самара бермайди. Чунки, меңнат унумдорлиги ва бандлик ўртасида ҳам турли боғланиш мавжуд. Уларнинг фақатгина тўғри мутаносиблиги ЯИМ ҳажмининг кўпайишига таъсир этади. Акс ҳолда эса иқтисодиёт тармоқларида банд аҳоли сони қисқарыб, ишсизлик муаммосини келтириб чиқаради.

ЯИМ ҳажмининг ошишига таъсир этадиган навбатдаги омил инвестиция ҳисобланади. Макроиктисодий барқарорликнинг таъминланишида инвестициянинг алоҳида ўрни бор. Инвестиция қўшимча иш ўринларини яратиш, меңнат унумдорлигини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини беради. Шунинг учун ҳам мамлакат иқтисодий

сиёсатида инвестицион мухитни яратиш, уни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади. Қўшни давлатлардаги сиёсий барқарорлик ҳам қайсиdir жиҳатдан мамлакат худудига инвестиция киритилиши учун салбий таъсир этиши мумкин. Умуман олганда, ушбу омиллардан тўғри фойдаланилса, ЯИМ ҳажмини ошириш имкони пайдо бўлади.

1.2. Ўқитиши методикаси ва уни ташкил этишга қўйиладиган талаблар, иқтисодий фанларни ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари

Жамиятимиз модернизациялашаётган ҳозирги даврда фан-техника тараққиётининг ривожланиши ахборот оқимини кескин кўпайишига олиб келади. Кузатишларимиз ахборотни қабул қилиш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, улар асосида хулоса чиқариш учун вақт ниҳоятда чекланганлигини кўрсатмоқда. Ахборот олинадиган манбалар турли-туман ва хилма-хил. Тараққиёт туфайли улар янада такомиллашиб, янги-янги турлари вужудга келмоқда. Инсон туғилганидан бошлаб, то умрининг охиригача ахборот қабул қиласи ва олинган ахборотга ўз муносабатини билдиради. Инсон томонидан қабул қилинган ахборотлар тайёр ёки янги шакллантириладиган билимлардан иборат бўлади.

Биринчи ҳолатда тайёр билимлар ўзлаштирилади. Иккинчи ҳолатда янги билимга эга бўлиш учун интилиш туфайли уларни такомиллаштириш ва бойитиб бориш жараёни амалга оширилади.

Замонавий педагогика-психология фанлари борасида олиб борилган тадқиқотлар инсон томонидан ахборотларни ўзлаштириш жараёнида қўйидаги билим босқичлари иштирок этади деган хулосаларни бермоқда ва мен буни битирув олди малакавий амалиёт давомида шоҳиди бўлдим, яъни булар қўйидагиларни ўз ичига олар экан :

- Сезги (кўриш, ҳид билиш, хис қилиш. Улар инсоннинг кўзи, қулоғи, бурни, тили, териси орқали юз берабер, билишнинг бошланғич воситалари хисобланади). Сезиш ҳали маълумотларни ўзлаштириш деган сўз эмас, бунда сезгилар орқали маълумотлар бир неча хусусиятларга кўра яхлит ҳолатга олиб келинади. Бу маълумотларни идрок қилиш, дейилади.
- Идрок (маълумотларни ранглар, белгилар, харакат, кўриш, эшитиш, сезиш, хис қилиш орқали яхлит тасаввурга олиб келиш).
- Хотира. У механик образли, қисқа ва узоқ муддатли, ихтиёрий, ихтиёрсиз, тезкор бўлиши мумкин.

- Тафакқур. Инсонни инсон сифатида барча мавжудотлардан алохida ажралиб туриши, уни табиатнинг гултожи сифатида эътироф қилиниши ҳам тафаккур билан боғлиқ. У таҳлил қилиш, синтез қилиш, таққослаш, мавхумлаштириш, умумлаштириш, классификациялаш (туркумларга ажратиш), қарор қабул қилиш кабиларни ўз ичига олади.
- Хаёл, ижодкорлик. Янги тимсоллар, янгиликлар яратиш, ихтиrolар қилиш кабилардан иборат.

Рақобат кураши, инсоннинг ўз-ўзини сақлаш, ҳимоя қилиш инстинкти янги билимлар учун интилишни хаётий заруриятга айлантиради. Ёшларнинг мавжуд билимларни ўзлаштириш, янги билимлар учун интилиши, асосан, таълим жараёнида шакллантирилади.

Педагогика илмига кўра таълим жараёни – таълим берувчи билан таълим оловчи ўртасидаги қўйилган мақсад асосида белгиланган билим, қўникма ва тарбияни таркиб топтиришга йўналтирилган ўзаро мулоқот (таъсир кўрсатиш) жараёнидир.

Таълим мақсади таълим натижаси сифатида ўқувчи эришиши лозим бўлган билим, қўникма, малака, одоб бўлиб, айнан шулар унинг шахсий фазилатларини шакллантиради. Одамлар таълим олиш, янги билимларни ўрганиш жараёнида билишнинг турли воситалари, шакллари, босқичларига мурожаат қилишлари табиий. Бу жараён инсоннинг ёш хусусиятлари, таълимтарбия мақсадлари, узлуксиз таълим мазмуни ва унинг босқичларига кўра ўзгариб, такомиллашиб боради. Бу эса сўзсиз ўқув жараёнини ташкил этиш, дарс ўтиш методларини танлашда ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олишни зарур қилиб қўяди.

Амалиёт давомида мен, академик лицей ва касб-хунар коллажларида ўқиётган ўқувчиларнинг ёши 15-18 ёш арофида эканлигидан келиб чиқиб, улар кўпроқ ўзларидан катта ёшдагиларнинг, хусусан ўқитувчининг маслаҳатига, ёрдамига муҳтож бўладилар деган хulosага келдим.

Олий мактаб талабалари эса балоғатга етган, етук, мустақил хаётга қадам ташлаган ёшлар. Уларнинг дунёқараши академик лицей ва касб-хунар коллажлари талабалари дунёқарашидан анча фарқ қиласи. Улар кўпроқ мустақил фаолият юритишга интилишади, академик лицей ва касб-хунар коллажлари талабалари ва олий мактаб талабалари ўртасида кескин тавовут мавжуд деб ҳисоблайман.

Шунинг учун ҳам касб-хунар коллажлари талабалари дунёқарашидан анча фарқ қиласи. Улар кўпроқ мустақил фаолият юритишга интилишади.

Мухтасар айтганимизда касб-хунар коллажларида ҳам, олий мактабда ҳам дарс жараёнини ташкил қилишда ўқувчи, талабаларнинг ёшини ҳисобга олиш зарур .

Ёшларга хос қатор хизматлар дарс жараёнини ташкил этиш, дарс ўтиш методларини танлашда муҳим рол ўйнайди. Чунки дарс улар учун зерикарли машғулотга айланмаслиги керак.

Афсуски, дарс жараёнида қўлланадиган услублар ўқувчи-талабаларни таҳлилий фикр юритишга, ўз фикрини мустақил баён қилишга ўргатиши лозим.

Касб-хунар коллажларида иқтисодий фанлардан дарс ўтишнинг ўрта мактаб ва олий мактабдагидан муҳим фарқи дарс жараёнини ташкил этишdir.

Касб-хунар коллажларида дарс 80 минут бўлиб, мавзунинг ўқув-календар режасида ажратилган соатига кўра “назарий ва амалий машғулот”га бўлинади. Мувофиқ равишда дарсни ташкил этиш шакли ҳам фарқ қиласи.

Касб-хунар коллажларида ўтиладиган фанлар уч гурухга бўлинади:

1 Умумтаълим фанлари:

а) чуқурлаштирилиб ва қўшимча гурухлаштирилиб ўтилаётган фанлар.

2 Умум касбий таълим фанлари.

3 Махсус фанлар.

Иқтисодий фанлар мазкур касб-хунар колледжларида қайси блокка киритилишига кўра дарс соатлари белгиланади.

Ўқитувчи дарс ўтиш ва дарс ўтишга қўлланиладиган методларни танлашда фанни қайси блокка киритилганлигини ҳам ҳисобга олиши керак.

Академик лицей ва касб-хунар колледжларида таълим кўпроқ мавжуд билимларни ўзлаштиришга қаратилса, олий таълимда эса кўпроқ ижодий изланувчанликка қаратилади.

Психологларнинг фикрича, билимларни ўзлаштириш, бу – янги қабул этилаётган ахборотни ўқувчи-талаба онгидаги аввалги мавжуд бўлган ахборотлар тизимиға киритишдир. Уларда билим қанчалик кенг бўлса, янги ахборотни қабул қилиши шунчалик осон кечади.

Ўқитувчи яна шунга эътибор бериши керакки, у янги фанни ўрганишни ёки янги мавзуни ўтишни бошлар экан, албатта, уларга таалуқли, ахборотни қайта тиклаши ҳамда янги фанни, мавзуни ўзлаштириш учун асос ҳосил қилиши зарур. Айниқса, шу ёшдаги ўқувчи, талабаларни қизиқтирадиган савол, муаммоли вазият яратилиши уларни фанни, мавзуни ўрганишга фаоллигини кучайтиради.

Шунинг учун касб-хунар колледжларида ўқитувчи дарс ўтиш методларини фанни ўрганиш, унинг асосий тушунчаларини ёдда саклаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда танлаши зарур деб ҳисоблайман. Асосий тушунчаларни англаб, пухта ўзлаштиришлари баробарида тафаккурни ўстиришга, ривожлантиришга қаратилган ўқув методларини қўллашга аҳамият бериш керак.

Олий ўқув юрти ўзининг юқори илмий савияси билан ўрта таълимдан фарқланади. Фанни ўрганиш фанда эришилган замонавий ютуқларни амалиёт билан боғлаш, долзарб муаммоларни аниклаш, уларнинг ечимини топишга йўналтириш билан ажралиб туради.

Олий ва ўрта мактабдаги таълимнинг ўзига хослиги дарс ўтиш методларини танлашга ҳам таъсир кўрсатади. Шу ўринда рус олими И.Т.Огородников ўз тадқиқотларида олий мактабдаги ўқитиш методларининг ўзига хослиги деганда, унинг илм ўрганиш методлари билан яқинлашувидир деган таърифни келтириш таъбир жоиздир. С.И.Архангельский эса олий мактабдаги ўқитиш методлари нафақат дарс бериш усуллари ва услубларини бирлаштириш, балки билишнинг ўқув ва илмий фаолиятга йўналтирилган тизими деган фикрни билдиради.

Шунинг учун кўпроқ талабаларни ўйлашга ундейдиган дарс ўтиш методларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга десак муболаға бўлмайди.

Умуман ўқувчи-талаба ўйлашга ўрганмаса, олган билимларидан фойдалана олмайди. Айниқса, бозор иқтисодиётида инсоннинг ўйлаши, таҳлил қилиши, таққослаб, қарор чиқариши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки, ҳар қандай муваффақиятли иш юритиш учун тафаккур ривожланган бўлиши зарур.

Ўқитиш услубининг пировард мақсади чуқур билим беришгина бўлиб қолмасдан, ёшларда мустақил билим олишга интилишни уйғотиш, уларни тарбиялаш ҳамдир. Ахборот турли-туман шаклларда қабул қилинади. Кимнинг ахборотни турли тарзда қабул қилиш қўлидан келмаса, бу унинг учун катта йўқотиш бўлади деб ҳисоблайман.

Самарқанд иқтисодиёт коллежида олиб борган битирув малакавий амалиёт даврида қуйидаги хulosага келдим, яъни агар ўқитувчи ўқувчи, талаба ёқтиромайдиган услубда дарс олиб борса, унинг ўқишдан кўнгли совиб, фан билан шуғуллангиси келмай қолиши мумкин экан . Шунинг учун турли-туман усуллар билан дарс ўтиш, ҳар бир ўқувчи, талабанинг дарсга фаол қатнашишига омил бўлади. Уларда мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш кўникумасини ҳосил қилиш самарали натажага олиб келади деган хulosha чиқарсак мантиқан тўғри бўлади.

Педагогига илмига мурожат этиб таълим методларини ўқитиш методлари ва ўрганиш методларига ажратишимиз мумкин.

Ўқитишиш методлариға билим бериш усуллари сифатида қаралади. Бунда ўқитувчи талабаларнинг билиш фаолиятига таъсир кўрсатади, унинг дунёкарашини шаклланишига ёрдам беради.

Ўрганишиш методлари билим, малака, кўнижмаларни ижодий эгаллашга йўналтиради.

Аммо Олий мактабдаги таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ўқув жараёнини ташкил этишда намоён бўлади. Чунки Ўрта маҳсус таълимда ўқув жараёни асосан дарс ўтиш шакллари: назарий дарс, амалий машғулот, лаборатория машғулоти тарзида ташкил этилса, олий ўқув юртларида эса ўқув жараёни дарс машғулотларидан ташқари давра сұхбати, илмий конференция, амалий семинар ва бошқаларни ҳам кенг қўллаб ташкил этилади.

Шунинг билан биргаликда касб-хунар коллежлари, олий мактаблардан ўрганиладиган билим ҳажми билан фарқ қиласди. Демак. Дарс жараёнини ташкил этиш, фанни ўрганишиш бўйича уй вазифалари ва топшириқлар ҳажми ҳам фарқланади.

Коллеж, мактаб таълими методларини шакллантиришда, ўқитишини ташкил этишда таянч муассаса ҳисобланади. Касб-хунар коллежларида дарс ўтганда ўқитувчилар дарс ўтиш методларини ўқувчиларнинг ёшига мосларини танлаши, мураккабларининг эса соддалаштирилган варианtlарини ишлаб чиқишилари ва қўллашлари зарур бўлади.

Шундай қилиб, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрти ўқитувчилари дарс ўтишга, албатта, ўқув юртининг, ундаги таълим олувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишлари, шу билан бирга, уларни дарсга фаол қатнашишларини таъминловчи, тафаккурни ўстиришга, ривожлантиришга қаратилган ўқув методларини қўллашга эътибор беришлари лозим.

Ўқитувчиларнинг малакаларини оширишга, уларни дарс бериш жараёнида турли методларни қўллашлари учун тажриба алмашишга катта эътибор берилишига қарамай, хали ҳам барча таълим масканларида ўқув жараёнини ташкил қилиш ва дарс ўтишда турли-туман интерактив методларни

кўллаш кўнгилдагидек эмаслигини кузатишларимизкўрсатмоқда. Бунинг қатор сабабларини қуидагиларга асосланган ҳолда кўрсатишими мумкин: Биринчидан, барча ўкув юртларида моддий таълимот бир хил эмас.

Иккинчидан, барча ўқитувчилар интерактив услубларни кўллаш бўйича тажриба тўпламаган.

Учинчидан, бунга ҳар бир ўқитувчи учун белгиланган дарс соатининг ҳафтасига қанча бўлиши ҳам таъсир кўрсатади.

Ўқитувчиларни ҳар бир дарсга мавзу бўйича тайёрланиш, янги методларни қўллаб, дарс ўтиш жисмонан толиқтиради. Шунинг учун осонроқ йўл қидиришлари табиий. Улар учун камроқ куч, ташвиш талаб қиласидиган методларга мурожаат қилиш қўлайроқ.

Тўртинчидан, турли услубларни қўллаб дарс ўтиш учун зарур қўлланмалар йўқ.

Шунинг учун?

1. Турли услубларни қўллаб, қизикарли дарс ўтадиган ўқитувчиларни алоҳида рағбатлантириш зарур.

1. Дарс жадвалини тузиш, ҳафталик дарс соатлари тақсимотига аҳамият бериш, дарсда интерактив услубларни қўллаб дарс ўтиш учун зарур жихозлар, тарқатма материаллар ва бошқаларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

2. Дарс ўтишда қўлланиладиган методлар бўйича услугбий қўлланмалар тайёрлаш ва уларнинг конкурсини ўтказиш керак.

3. Малака оширишда дарс ўтиш методларини такомиллаштиришга қаратилган дарслар ҳам ташкил этишга эътибор бериш зарур.

Педагогик технология таълим усули, маълум маънода таълим тарбия жараёнлари, воситалари, шакл ва методлари мажмуидир. У таълим тарбиянинг объектив қонуниятлари, диагностик мақсадлар асосида ўкув жараёнлари, таълим-тарбиянинг мазмуни, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тизимидир .

Педагогик технологияларнинг моҳияти шундан иборатки:

Биринчидан, таълим-тарбия жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва сўнгра аудиторияда ўқувчилар билан бирга лойиҳани қайта ишлаб чиқишни назарда тутади. Бу вазифани “дидактик вазифа, таълим-технология” тушунчаларини кўллаш билан ҳал этиш мумкин.

Иккинчидан, анъанавий педагогикада методик ишланмалар ўқитувчи томонидан дарс ўтиши учун тузилса, янги педагогик технология - ўқувчини билим фаолиятининг шакллари ва мазмунини тасвирлайдиган таълим жараёни лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этади.

Учинчидан, педагогик технологиянинг муҳим белгиси мақсад ҳосил қилиш жараёнидир. Унда педагогик мақсад диагностик ифодалаш, билим, ўзлаштириш сифатини объектив баҳолашни назарда тутади.

Тўртингидан, тарбия ва таълим жараёнлари тузилиши ва мазмуни жиҳатидан яхлитлиги – янги педагогик технологияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг муҳим принципи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ педагогик кадрларни педагогик фаолиятга тайёрлаш, уни сифат жиҳатидан рақобатбардошлигини ошириш касб-хунар коллежининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу вазифани аввало таълим жараёнини такомиллаштириш, унда талабаларнинг фикр юритиши ва мустақил фикрлаш қобилияtlарини шакллантириш орқали ҳал қилиш мумкин. Бунинг учун таълим жараёнини фаоллаштириш, ўқитувчи ва ўқувчиларни ўзаро муносабатларини яхшилаш, педагогик фаолиятда ўқитувчига хос бўлган хусусият ва қобилияtlарни шакллантиришга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим тизимига педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишни талаб қиласди. Айни вақтда, барча институт ва университетларда ахборот технологияларини таълим тизимига жорий қилиш бўйича маълум ишлар амалга оширилмоқда, бироқ бу тадбирлар ҳали ҳамма ўқув юртларида бирдай йўлга қўйилгани йўқ. Ушбу ишларни бошқа усуllар билан бирга ташкил этишга эътибор бериш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бундай усуllардан бири интерфаол усулидир. Мен бу усулдан ўқувчиларнинг ўз устида ишлаш,

малака ва билимини ошириш, педагогик қобилияят турларини шакллантириш, фикр ва мулоҳазаларни ривожлантириш мақсадида фойдаландим.

Интерфаол усулининг энг муҳим томони шундаки, унда ўқувчи китоблар устида ишлаш ва журнал, газета материалларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, радио ва телекўрсатувлар, интернет ахборотларидан фойдаланиб уларни таълим жараёнига тадбиқ этилишини таъминлайди. Шунингдек, ўқувчиларнинг жавоблари, моҳиятини таҳлил қилиш, уни баҳолашга имконият яратади. Таълим жараёнини ташкил этган ўқитувчи ўқувчининг мавзуни қуиши, унинг педагогик маҳорати, ютуқ ва камчиликларини гурӯҳ талабалари билан муҳокама қиласидилар ва ўз фикрларини баён қилиб, уни баҳолайдилар.

Интерфаол усулдан фойдаланиш таълим жараёнини фаоллаштирибина қолмай, балки ўқувчиларни келгуси педагогик фаолиятга технологик жиҳатдан тайёрлайди. Яъни

- биринчидан, ўқувчи ўз билимларини кенгайтиради, ўз устида ишлайди ва маъсулиятини ҳис қиласиди;
- иккинчидан ўз диққатини муайян объектга йўналтириш кўникмасига эга бўлади;
- учинчидан, ўз фикрларини аниқ, равон, тушунарли, образли баён қилиши малакасига эга бўлади;
- тўртинчидан, уларнинг педагогик қобилияtlари шаклланади;
- бешинчидан, назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмасига эга бўлади;
- олтинчидан, таълим жараёнида пайдо бўладиган қийинчиликларни бартараф қилишга одатланади;
- еттинчидан, мавзу тўғрисидаги жаҳон олимларининг фикрларини таҳлил қилишни ўзлаштиради.

Касб-хунар таълими методлари деганда ўқувчиларнинг техник-технологик билимлар, меҳнат, кўникма ва малакаларини эгаллашга, билимларни мустақил эгаллаш ва улардан амалда ижодий фойдаланиш қобилиятини ўстиришга қаратилган ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти усувларини тушунмоқ керак. Бошқача айтганда

ўқитиши методи деганда таълим жараёнини ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кутилган мақсадга қаратилган биргаликдаги фаолияти тушунилади.

Касб-хунар таълими жараённида ўқитишининг хар-хил методларидан фойдаланилади. Таълим методларини танлаш аввало ўқув материалининг ва ўкув вазифаларининг ҳарактерига боғлиқ.

Касб-хунар таълимида қўйидаги методлардан фойдаланилади:

1. Касб-хунар таълимида оғзаки метод:

- а) ҳикоя;
- б) тушунтириш;
- в) суҳбат.

2. Кўргазмалилик методлари:

- а) намойиш қилиш;
- б) амалий кўрсатиш;
- в) экспурсия.

3. Амалий методлар:

- а) меҳнат, амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- б) машқлар;
- в) йўлланмалар;
- г) ўкув қўлланмалари билан ишлаш;
- д) лаборатория тажрибалари.

4. Дарсларда муаммоли таълим методи.

5. Анъанавий ўқитиши методлари.

6. Ноанъанавий ўқитиши методлари.


II - Боб. Самарқанд иқтисодиёт колледжида “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитиш амалиётининг таҳлили

2.1 Самарқанд иқтисодиёт касб-хунар колледжида ўқитишни ташкил этиш тамойиллари ва шакллари

Замонавий педагогикани тавсияларидан келиб чиқкан ҳолда ўқитишни ташкил этиш шакли, бу машғулотда ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги алоқалар характери, ўқувчиларнинг шуғулланиш учун гурӯхларга бўлиниши ва улар фаолиятининг характери, шунингдек машғулотнинг ўтиш жойи ва уни ўтказиш режимини тушунамиз . Ўқитишни ташкил этишнинг бирон-бир шаклини қўллаш касб-хунар колледжлари таълим-тарбиявий вазифалари билан белгиланади ҳамда ўқув ишининг мазмуни ва методларига боғлиқ бўлади. Самарқанд иқтисодиёт касб-хунар колледжи ўқувчилари билан олиб бориладиган машғулотлар ўқув юртининг синфларида, кабинетларида, лаборатория ва ўқув устахоналарида ўтказилади. Улар қатъий жадвал асосида ўқув вақтида ёки дарсдан ташқари вақтларда ўтказилишини мен битирув олди малакавий амалиётим давомида кузатдим . Ўқувчилар машғулотлар вақтида ўқув гурӯхи ёки якка ҳолда ўқитувчи раҳбарлигида ишлайдилар. Машғулотлар ўқув жараёнининг турли элементларини, назарий билим бериш, уларни мустаҳкамлаш ва тажриба тарзида текшириб кўриш, иш операцияларини бажариш малакалари ва кўникмаларини ҳосил қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш, ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ҳамда баҳолаш ва бошқаларни ўз ичига олади. Битирув малакаквий амалиёт даврида Самарқанд иқтисодиёт колледжида ўқитишни ташкил этишда таълим усулларидан фойдаланилар экан ва мен бу ҳолатни қўйидаги жадвалда таснифлашга ҳаракат қилдим (тартиблаштириш, бир гурӯхга бирлаштириш). Улар тизимлаштиришни турли асосларида тузилган. (10-жадвалда кўрсатилган) Таълим усулларини таълимий мақсадларга эришиш бўйича таълим берувчи (ўргатиш) ва таълим олувчини (ўрганиш) ҳамкорий фаолиятини йўли сифатида кўрсатиш улар хусусияти ва ўқув фаолияти натижалари бўйича қўйидагича гурӯхлаштириш имконини беради:

Самарқанд иқтисодиёт коллежида ўқитиши ташкил этишни таълим

усулларининг таснифланиши²



² Ишланма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

1-гурух: тайёр ўзлаштирувчилик ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билимларни 1-даражада ўзлаштиришни таъминловчи усуллар;

2-гурух: эсда қолганларни тасвирловчи ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 2-даражада ўзлаштиришни таъминловчи усуллар;

3-гурух: муҳокама қилувчи, қисман-изланувчилик ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 3-даражада ўзлаштиришни таъминловчи усуллар;

4-гурух: мустақил изланувчилик фаолияти ҳамда 4-даражада билимларни ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар.

“Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитишини дарс жараёнида ноанъанавий таълим усулларидан асосан учинчи гурухни жорий этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Учинчи гурух таълим усуллари: муҳокама қилувчи, қисман-изланувчилик ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 3-даражада ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар ҳисобланади:

Сұхбат – диалогли (юононча: диалогос - икки ёки бир неча инсонлар орасидаги сўзлашув), таълим бериш ва ўрганишнинг савол–жавобли йўли.³

Усулнинг етакчи вазифаси - қизиқтириш: мақсадга йўналтирилган ва моҳирона қўйилган саволлар ёрдамида таълим олувчиларда берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини эслаш ва баён қилишга ҳаракат қилинади, ўқитувчи раҳбарлигида бошқа таълим олувчилар билан муҳокама қилинади. Таълим олувчилар ўқитувчи билан бирга қадамма-қадам мустақил фикрлаш, якунлаш, хуросалаш ва умумлаштириш йўли билан янги билимларни англайдилар ва ўзлаштирадилар.

Сұхбатнинг афзаллиги яна шундаки, у таълим олувчилар фикрлашини фаоллаштиради ва билим кучини ривожланишига ёрдам беради.

Сұхбатлар вазифасига кўра қуидагиларга бўлинади:

³ Толипов. Ў.Қ.Тажриба-синов ишларини ўтказишида янги педагогик технологиялар.Т: “Халқ таълими” журнали 2000йил. 63-67б.

- кириш ёки ташкиллаштирувчи (дидактик вазифаси: таълим олувчиларни машғулотдаги ишга тайёрлаш);
- янги билимларни етказиш (дидактик вазифаси: таълим олувчиларни янги материал билан таништириш);
- синтезловчи ёки мустаҳкамловчи (дидактик вазифаси: таълим олувчилар билимларини тизимлаштириш, “мустаҳкамлаш”, эслаб қолиши ва фикрлаши).

Сұхбатлар ташкилий шакли бүйича үқув ва “давра сұхбатига” бўлинади.

“Давра сұхбати” үқув сұхбатидан эркин ҳолатда иштирокчилар жойлашиш тартиби ва асосийси, улар фикрини навбат билдириши билан фарқланади.

Энг муҳими саволларни тўғри шакллантириш ва бериш. Улар ўзаро мантиқий боғлиқликка эга бўлиши керак, ўрганилаётган савол моҳиятини очиб бериши, тизимда билимларни ўзлаштиришга ёрдам бериши керак. Саволлар мазмуни ва шаклига кўра таълим олувчиларнинг ривожланиш даражасига мос келиши лозим.

Эсда тутинг: осон саволлар фаол билиш фаолиятини рағбатлантиrmайди, жиддий муносабат эса билишга рағбатлантиради.

Баҳс (мунозара) - аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, муҳокама шаклидаги таълим беришнинг фаол усули. Мунозара усули ҳамма вазифаларни бажаради

Бу усулдан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- ✓ янги билимларни шакллантиришда;
- ✓ таълим олувчилар у ёки бу саволларни чукур ўйлаб кўриш, уларнинг моҳиятига киришни таъминлашда;
- ✓ таълим олувчиларни далил ва далилларга асосланган хulosалар орасидаги фарқни тушуниб етишга ўргатишда;
- ✓ ўзаро фикр алмашинув кўникмаларни шакллантиришда;
- ✓ таълим олувчиларга шахсий фикрида мустаҳкам туриш ва уни ҳимоя қилишига ёрдам бериш.

Мунозара эркин бўлади, қачонки, у эркин ривожланса, бошқарувчан бўлиши мумкин. У фақат ўзлаштириш лозим бўлган мавзу ва саволларга тааллуқли бўлиши керак.

Ттаълимий ўйин ишбилармон ва рол (ҳолат)ли ўйинлар муаммоли топшириқнинг бир тури. Фақат бундай ҳолатда матнли материал ўрнига, таълим олувчилар томонидан ўйналадиган саҳналаштирилган ҳаётий ҳолатлар ишлатилади

Ўқитиш усули сифатида у қуидаги вазифаларни бажаради:

- **ургатувчи:** умумўқув малакаларни шакллантириш; ижодий қобилиятни ривожлантириш, шу жумладан, тушуниш, янги ҳолатларни шакллантириш ва таҳлил қилиш;
- **ривожлантирувчи:** мантиқий фикрлаш, нутқ, атроф-муҳит шароитига ўрганиш қобилиятини ривожлантириш;
- **мотивацияли:** таълим олувчиларни ўқув фаолиятига унданмоқ, мустақил хулоса қабул қилишини рағбатлантирмоқ;
- **тарбияловчи:** масъулиятилийкни, фикр алмашибликни шакллантириш.

Ўйин усуллари ва дарс шаклидаги машғулот ҳолатларини амалга ошириш қуидаги асосий йўналишларда содир бўлади:

- дидактик мақсад таълим олувчилар олдига вазифа кўринишида қўйилади;
- ўқув фаолият ўйин қоидаларига бўйсунади;
- ўқув материал ўйиннинг воситаси сифатида ишлатилади;
- ўқув фаолиятига дидактик вазифани ўйинга айлантирадиган мусобақа бўлаги киритилади;
- дидактик вазифани муваффақиятли бажариш ўйин натижалари билан боғланади.

Ишбилармон ўйинни ролли ўйиндан фарқи нимада?

Ишбилармон ўйин иштирокчиларига ҳаётий ҳолатда қурилган ўйинли сюжет таклиф қилинади, бунда иштирокчилар олдига ягона умумий мақсад: таклиф этилаётган муаммони ечиш қўйилади.

Шу билан бир вақтда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши лозим. Шунинг учун ечимни ишлаб чиқиш жараённи алоҳидали-

гурӯҳли хусусиятга эга: ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифали мақсадига мувофиқ қарор қабул қиласи, ундан сўнг эса уни гурӯҳ билан келишади. Алоҳида вазифали мақсад бажарилиши бутун гурӯҳ қарор қабул қилиш натижаларига боғлиқ. Одатда, ишбилармон ўйин давомидаги муаммони ечиш бир нечта босқичда (2 дан 10 гача ва бир ўйин кўп).

Иштирокчилар ҳаракатини баҳолаш якуний ва оралиқ натижалар бўйича амалга оширилади: оралиқ баҳолаш белгиланган мақсадни амалга оширишда уларнинг англаб етишини ошириш мақсадида бизга ўйин давомида иштирокчилар ҳаракатига таъсир кўрсатиш имконини беради, якуний натижани баҳолашда иштирокчиларнинг ташкилий фаолиятлари ва улар томонидан вазифали ролли мақсадни бажариш ҳисобга олинади.

Ролли ўйин, ишбилармонлик каби вазиятда кўрсатилган, муаммони ечишда иштирокчиларнинг фаол биргаликдаги ҳаракатларига асосланади. Мавзу қатнашчиларининг битта мажбурий мақсадлари бор - муаммони ечиш. Лекин алоҳидали мақсадлар, ишбилармон ўйиндаги каби келишиб олинмайди. Ролли ўйиннинг ҳар бир иштирокчилар мақсадлари - ғалаба қозониш, ўзини кўрсатиш. Вазиятли ўйин якунларини нафақат умумий мақсадга эришиш натижалари бўйича эмас ва балки ҳар бир иштирокчининг ролли мақсадларини амалга ошириш бўйича баҳоланади.

Сиз томондан ишлаб чиқилган ўйин ҳақиқий ҳаётга мумкин қадар яқин бўлиши, лекин иштирокчилар учун жуда мураккаб ва қийин бўлмаслиги керак.

Вазиятлар усули – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган

Усулнинг етакчи вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
- Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
- Тарбияловчи – фикр алмашини шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим олувчилар учун янада кўп долзарбли қиласди.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гуруҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитиши фаоллаштиришга имкон беради, келажакдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам бўлади.

Тўртинчи гуруҳ таълим усуллари: мустақил изланувчилик фаолияти ҳамда 4 даражада билимларни ўзлаштиришни таъминловчи усуллар.

Лойиҳалар усули билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиши усулини амалга оширади. Таълим олувчилар юқори даражада, бошқа ўқитиши усулларидан фойдаланишга қараганда, режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш ва вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштирок этадилар. Лойиҳаларда ўқитиши нафақат натижалар, балки жараёнининг ўзи ҳам қимматли.

Таълим бериш вазияти- **кейс-стади** (сасе инглиз.- тўплам, аниқ вазият, стади- ўрганиш) – бу усул, одатий ҳаётни ташкиллаштирувчи вазиятларни яратувчи ва таълим олувчилардан мақсадга мувофиқроқ ечим излашни талаб қилувчи, ҳаётдан олинган одатий вазиятларни ташкиллаштириш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланади.

Кейс - таълим олувчиларни муаммони ифодалашни ва мақсадга мувофиқроқ ечим излашга йўналтирувчи, бир гуруҳ инсонлар ёки алоҳида шахсларни ҳаётий ташкиллашишидан олинган маълум шароитларини баёнли тақдим этилишидан иборат.

Аниқ вазият таълим беришни ҳақиқийликка боғлайди: кейс таълим олувчиларга вазиятни ташҳис қилиш, фаразларни ифодалаш, муаммоларни аниқлаш, қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва

муаммоларни ечиш бўйича аниқ босқичларни лойиҳалашда амалий фаолиятларини моделлаштириш имконини беради.

Кейс таълим олувчиларга таҳлил илиш, тенглаштириш йўлларини қидириш ва муаммони ечиш эркинлигини беради.

Кейсни кўриб чиқишда таълим олувчилар таълим олиш жараёнини яратадилар ва жараёнда ўзаро ҳаракатда ҳақиқий фикр алмашиш ҳолатларини яратадилар.

Битирув олди малакавий амалиёт даврида ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йулларини излар экан деган хulosага келдим. Бу соҳада турли хил курик-танловлар, жумхурият микёсида ўтказилаётган педагогик ўқишиларда ўртага куйилаётган илгор ўқитувчиларнинг фикр ва мулохазалари диққатга сазовордир. Турли - туман фикр ва мулохазаларни хисобга олган холда ноанъанавий дарс қуидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим деб ҳисоблайман:

- 1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.**
- 2. Ҳар бир дарс мустаҳкам ғоявий - сиёсий йуналишга эга булмоғи лозим.**
- 3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.**
- 4. Ҳар бир дарс хилма-хил усул, услугуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.**
- 5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ лозим.**
- 6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.**
- 7. Дарсда ўқув материалларининг мазмунига оид кўрсатмали қуроллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.**

2.2. Замонавий педагогик технологиялар ва усуллардан фойдаланиш методикасининг таҳлили

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни талабаларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан қўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, талабалар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, қўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Битирув олди малакавий амалиётда янги педагогик технологиялар ва усулларидан коллежда фойдаланиш жараёнини кузатишга ҳаракат қилдим. Бундай технологиялардан бири интерфаол ўқитиши жараёни ҳисбланиб у анъанавий (доска ёнидаги) ўқитишдан фарқли ўлароқ бир қанча методололик қирралар устунлигига эга. Бу аввалом бор, иштирокчиларнинг ўйин қоидаларини ишлаб чикувчи ўқитувчи ва бир - бири билан фаол, эмоционал тусдаги муносабатларига асосланади.

Ўқитувчининг интерфаол ўқитиши жараёнида ишнинг самараси бир қанча шартларга боғлиқ :

Биринчи - ўқувчи имкониятларининг берилган технологик (ўйин, тренинг, машқ) мақсад ва вазифаларига мутоносиблиги. Танланган технологиянинг мақсадига қараб муаллим у ёки бу вазифани бажаради ташкилотчи-сардор, коммуникатор ёки келишмовчиликларни бартараф қилувчи, фасилитатор.

Иккинчи - гурӯх иштирокидаги ўзаро муносабатларни ҳал этишдаги ўқитувчининг профессионал тажрибаси. Бунинг учун у диалог ҳамда мультилог, яъни туркумлашган диалог санъатини эгалаган бўлиши зарур. Диалог қўринишидаги мулоқот психологияда аҳамиятли ҳисбланади, чунки анъанавий "субъект-объект" муносабадига зид равиша "субъект-субъект" муносабатларини ифодалайди.

Диалог доимо ҳар - ҳил фикрлар ва уларни қўринишиларини, шунингдек, барча интерактив ўзаро алоқа катнашчиларининг қўйилган муаммони

биргаликда муҳокама килишини ва ечимни топишни назарда тутади. Қатнашчиларнинг фаоллиги ўқувчиларнинг шахсиятига эмас, балки ўзаро мулоқатга, қўйилган вазифага йўналтирилади. Диалогдагина қатнашчилар қўйилган масалага турли нуқтаи-назарлар орқали ёндашиш билан бир бирини ўзоро бойитишади. Муаллим ва ўқувчиларнинг муносабатларидағи тенг хукуқлик, акс алоқа (жойида ва айни вақтда) нинг амалга ошириши, катта ёшдаги ўқувчилар интилишларининг рўёбга чиқариб, муаммонинг ягона изохини талаб этадиган умумий коммуникатив ва маъно майдонини яратади. Замонавий муоммолар тартиблиги туфайли уларни тушунишда система маъносини берадиган тил зарур.

Самарқанд иқтисодиёт коллеж ўқитувчилари эса “Ялпи миллий маҳсулот” мавзуси буйича муаммоли семинар машғулотига қуидаги фикрларни билдириди:

Мазкур дарснинг афзалликлари:

1. Қисқа вақт ичида кенг хажмдаги маълумотларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилганлиги кўринди.
2. Дарсда ҳар бир талабага индивидуал ёндашилди ва ҳар бир талаба индивидуал баҳоланди.
3. Дарс жараёнида ахборот ва педагогик технологияларидан фойдаланилди.
4. Дарс давомида барча талабалар ўзаро, фаол қатнашди ва ўзаро муносабатда бўлишди.

Камчиликлари:

1. Дарсда баҳс-мунозара мобайнида шовқин юзага келди.
2. Тажриба етмаганлиги сабаб вақтни тақсимлашда муаммолар бўлди.

Демак, юқоридаги фикрларни умумлаштириб, ягона бир хulosага келамиз:

Анъанавий таълимдаги ўқитувчининг тўла назорати – барча талабалар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмас экан, натижада талабаларнинг машғулотдаги пассивлигига ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасини пасайишига олиб келар экан.

Мен “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитишида интерфаол усулларни қўлаган холда эса- талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш талабаларни кенг доирада турли ғояларни бера олдим, ўзини эркин тутиши, мустақил фикрларини бемалол айтиши, таълим жараёнида якка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб хulosса чиқара олиши мантикий фикрлашига имконият яратиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим.

Самарқанд иқтисодиёт коллежида ўқитувчилар дарсга тайёргарлик кўриш чоғида конспект ёзиб, конспектдан фойдаланаар экан. Менинг назаримда, бу усул бир мунча эскириб қолган бўлса керак, конспект ўрнига технологик картадан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ҳозирги замонавий таълимда қисқа, тушунарли мақсад ва мазмундан фойдаланиб, кам вакт сарф қилиб юқори натижага эришиш - бу давр талаби!

Ҳар бир замонавий педагог ўқитиши жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўкув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, ўқитишининг техник воситаларини, энг асосийси, талабанинг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак. Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки дарснинг технологик картаси ҳар бир мавзу, ҳар-бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда тузилади ва унинг мақсадли натижасига эришишга кўмаклашади.

XX асрнинг бошларида яшаган немис олими Рудольф анъанавий дарс ҳақида шундай деган экан: “Фақат эшитиш ва кўриш методи билан таълим олган талабалар жуда пассив зотларга айланадилар. Улар ҳаётий ҳақиқат олдида ожиз бўладилар”⁴

⁴ Сайдахмедов Н. “Янги педагогик технологиялар” Т.: “Молия”, 2013. 676.

Бу фикр ҳозирги кун учун янада долзарбдир. Чунки, XXI аср яъни “ахборот технологияси асрида” таълим жараёнини технологиялаштириш ижтимоий зарурат туғдирмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни хulosса қилиш мумкинки, интерфаол усуллар орқали талабалар ўзлари эгаллаётган билимларни ўзлари излаб топадилар, ўзлари мустақил фикрлайдилар ҳаттоқи қарор ёки хulosани ҳам ўзлари чиқарадилар. Ўқитувчи эса фаолиятни бошқариб, кузатиб, ўйналтириб боради. Зеро, менимча касб-хунар коллажлари ва академик лицейлар учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаў тизимини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштири керак.

Битирув олди малакавий амалиёт давомида демак, “Ялпи миллий маҳсулот” мавзуси ўқитиш жараёнида интерфаол усулларни қўлланилишига таъсир этувчи омиллар таҳлили тадқиқот босқичида аниқлашга ҳаракат қилдим. Бунга дарс жараёнини кузатиш натижасида эришдим. Самарқанд иқтисодиёт коллежида тажрибали педагоглар дарсларини кузатиш натижасида қўйидагини аниқладим: тажрибали педагоглар усталик билан интерфаол усулларни тадбиқ қилишди, талабалар катта қизиқиш билан дарсга қатнашди. Аммо кузатган дарсларни ҳаммаси ҳам замонавий талабга жавоб бермайди. Демак, дарсни самарали ўтиш учун нималарга эътибор бериш керак, дарс жараёнига интерфаол усулларни тадбиқ қилишда қандай омиллар таъсир қилиши мумкин?

“Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитиш жараёнида интерфаол усулларни қўлланилишига таъсир этувчи **биринчи омил**: Замонавий педагог ўтадиган фани бўйича чуқур билимга эга бўлиши керак. Чунки педагог ўтадиган фани бўйича тўлиқ академик билимга эга бўлсагина таълим жараёнига интерфаол усулларни самарали тадбиқ қилиши мумкин.

Иккинчи омил: бугунги педагог, янги педагогик технологияларни лойиҳалаштириш сирларини мукаммал ўрганиши керак. Янги педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ қилишда вақт масаласига катта

эътибор қаратиш, дарс жараёнини босқичма-босқич режалаштириш керак бўлади.

Учинчи омил: Самарқанд иқтисодиёт коллежида моддий таъминот базасини яратиш даражаси 70% ташкил қиласди. Масалан “Иқтисод” кафедрасида битта “вижен” аппарати бор, аммо кафедрада 15 дан ортиқ ўқитувчилар фаолият юритмоқда. Бу эса замонавий дарсни ташкил қилишда муаммо пайдо бўлади. Демак, иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол усувларни самарали кўлланилишига компьютерлаштирилган синфхоналарни ташкил қилиш керак.

Тўртинчи омил: Коллаждаги айrim мутахассис-кадрлар ахборот технологияларини мукаммал билмагани учун дарсларни анъанавий тарзда ўтиб келади. Замонавий педагог ахборот технологияларини тўлик ўзлаштириши шарт, деб уйлайман.

Шу мақсадда ўқитувчилар олдида янги муаммоларни ечиш, излаш вазифаси пайдо бўлади:

- 1) Талабаларда билим олиш маъсулитини шакллантириш.
- 2) Талабаларда мустақил кўникма ва малакаларини шакллантириш.
- 3) Дарс жараёнида талабанинг фаоллигига эътибор бериш ва эришиш.
- 4) Ўқитувчи фаол дарслар ўрнига талаба фаол дарсларга ўтиш.
- 5) Аълочи талаба ўрнига рейтинги баланд талаба меъёрларини яратиш.
- 6) Ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган холда юқори билим олишга эришиш.
- 7) Олдиндан лойихалаштирилган билим кўникма ва малакаларга эга бўлиш педагогик тизимни яратиш ва бошқалар.

III-Боб. Замонавий педагогик технологияларни қўллаш асосида таълим самарадорлигини оширишнинг методик жиҳатлари

3.1. Самарқанд иқтисодиёт коллежида педагогик технологияларни жорий этиш методикаси

Битирав малакавий ишимнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, битирав олди амалиётимни Самарқанд иқтисодиёт коллежида ўтказдим. Битирав олди амалиётида дарсларни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга харакат қилдим. Тажрибалар коллежнинг 1-102 гурухида ўтказилди. Тадқиқотда 22 нафар талабалар, 5 нафар коллеж ўқитувчилари, 3 нафар коллеж раҳбарлари (директор ўринбосарлари) қатнашдилар.

Тажрибанинг биринчи босқичи, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб “Иқтисодий билим асослари” фанидан “**Ялпи миллий маҳсулот**” мавзусида дарс ўтиш орқали амалга оширилди.

Дарсни “Синквейн” ва “Тоифалаш” усулларидан фойдаланиб ташкил қилдим. (Қўйида жуфтлик дарс ўтиш услубияти батафсил ёритиб берилади).

Амалий машғулот режаси:

1. Дарснинг ташкилий қисми - 5 дақиқа
2. “Ялпи миллий маҳсулот” иборасига фикр билдириш - 10 дақиқа (“Ақлий хужум” усули)
- 3.“Ялпи миллий маҳсулот таркиби” борасида – 30 дақиқа (“Синквейн” педагогик технологияси)
4. “Ялпи миллий маҳсулот мавзусини ўрганишнинг аҳамияти” -25 дақиқа (“Тоифалаш” жадвали)
5. Дарсга якун ясаш ва баҳолаш - 10 дақиқа

Ушбу мавзуни яхлит кўра билиш ва уни тасавур этиш учун мен дарснинг технологик картасини тузиб олдим (1- жадвалда илова қилинади).

1 - жадвал

Семинар машғулотида ўқитиш технологияси

Вакти- 2 соат	Талабалар сони: 25-30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни кенгайтириш ва
Семинар машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1.“Ялпи миллий маҳсулот” 2. “Ялпи миллий маҳсулот таркиби” 3.“Ялпи миллий маҳсулот мавзусини ўрганишнинг аҳамияти .
Ўқув машғулотининг мақсади:	тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик капитали тўғрисида талабалар билимларини аниқлаштириш.
Педагогик вазифалар:	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот тушунчаларига таъриф беради; - Ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот тушунчалари фарқига мисоллар келтиради; - Ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот нинг тушунчаларига биридан фарқини топади ва уларни ўрганишни аҳамиятини тушуниб етади.; - Ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот тушунчаларига тавсифлайди ва уларнинг моҳиятини очиб беради
Ўқитиш усуллари ва техникаси	Синквейн, “Тоифалаш” технологияси
Ўқитиш воситалари	Ўқув қўлланмалар, маъруза матни, флип
Ўқитиш шакллари	Гурухий, коллектив.
Ўқитиш шароитилари	Техник таъминланган, гурухларда ишлашга мослаштирилган аудитория.

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар,	Фаолият	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (5 мин.)	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади.</p> <p>1.2. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида мавзунинг таянч иборалари асосида блиц-сўров ўтказади (1-илова).</p> <p>1.3. Ўқитиши гурӯҳларда ишлаш технологияси асосида олиб борилишини эълон қиласди.</p>	<p>1.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволларга жавоб берадилар</p>
2-босқич. Асосий	2.1. Талабаларни 4гурӯҳга ажратади. Ўқув топшириклиарни тарқатади . (2-илова).	2.1. Ўқув топшириклиарни баҳолаш
65 мин.)	<p>Хар бир талаба гурӯҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гурӯҳларда ишлаш коидалари билан таништиради (1-илова). Гурӯҳларда ишлаш натижаси А32 бичимдаги қоғозларда кўрсатилиши кераклигини маълум қиласди.</p> <p>Мавзу муҳокамаси гурӯҳларга ишлар тақдимотидан сўнг давом этишини эълон қиласди.</p> <p>2.2. Вазифа бутун гурӯҳ томонидан бажарилишини эълон қиласди. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>Гурӯҳларда ишларни бошлашни эълон қиласди.</p> <p>2.3. Тақдимот ва гурӯҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариш жараёнидаги асосий хуносаларга эътиборни қаратади.</p>	<p>кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар. Вазифани бажарадилар.</p> <p>2.2. Тақдимот қиласди, тўлдиради, бошқа гурӯҳларга саволлар беради ва ўзаро баҳолашни амалга оширади. Ёзиб олади.</p>

<p>3-босқич. Якуний (10 мин.)</p>	<p>4.1. Машғулоттг якун ясайди, хулосаларни умумлаштиради, гурухда фаол иштирок этган талабаларни ақолайди.</p> <p>4.2. Мустақил иш учун вазифа беради: Венна диаграммаси түлдириңг (6-илова).</p>	<p>4.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар.</p> <p>4.2. Мустақил иш учун вазифаны ёзип оладилар.</p>
---	--	--

2 жадвал

Ишларни баҳолаш күрсаткічлари ва мезонлари

Хар бир талаба күрсаткіч ва мезонлар бүйіча бал йиғади. 0,1 балдан түрінде жавоби учун (максимал 3 балл)

Гурұх	1-топширик		2-топширик		Жавобни лўндалиги (0,5)	Умумий бал (2,6)
	Жавобнинг түғрилиги (0,4)	Асосланганлиги (0,4)	Кўргазмалилик (0,8)	Асосланганлик (0,5)		
1						
2						
3						

Семинарда ишлаш тартиби ва регламент

1. Гурухда ишлаш ва презентацияни ёзиш – 20 мин.
2. Ишнинг натижаларини тақдимот этиш – 5 мин.
3. Жамоа бўлиб муҳокама қилиш ва гурухни баҳолаш – 5 мин.

Технологик харитада кўрсатилгандек дарс 3 босқичда ўтди. Муаммоли семинарнинг биринчи босқичи ташкилий қисм ва ўтган мавзуни мустаҳкамлашдан иборат эди. Ташкилий қисмни (талабалар билан саломлашиш, аудиторияни тозалигини қўздан кечириш ва талабарни йўқлама қилиш)дан бошладим ва унга 5 дақиқа ажратдим.

“Ялпи миллий маҳсулот” иборасини эшитганингизда қандай фикр

Ақлингизга келади? деб талабаларга мурожаат қилдим. “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равища баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўниумаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласи

Ақлий ҳужумнинг афзаллик томонлари шундан иборатки талабалар бунда баҳоланмайди, лекин эркин ва фаол иштирок этади. Бу технологияни қуллашдан мақсад шуки талабаларга мавзу бўйича умумий йўналишлар бериш ва фаоллаштириш.

Муаммоли семинар дарсимнинг иккинчи босқичида “Ялпи миллий маҳсулот” иборасига “Синквейн” педагогик технологиясини тузиш вазифаси берилди. Педагогик технология билан таништиришдан олдин, талабаларни экранда намойиш қилинган баҳолаш мезонлари билан таништиридим ва семинарда ишлаш тартиби ва регламентига изоҳ бердим.

“Синквейн” (5 қатор) техникаси

(Мақсад – категорияга характеристика бериш шемаси):

1-қатор - тушунча

2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 си

3-қатор – ушбу тушунча вазифалари түғрисидаги 3 та феъл

4-қатор – ушбу тушунча моҳияти түғрисидаги 4 сўздан иборат сўз сўз

бирикмаси

5-қатор – ушбу тушунча синоними.

“Синквейн” педагогик технологиядан фойдаланган ҳолда гурӯҳларда ишлар қўйидагича ташкил этилди:

Биринчи босқичда талабаларга индивидаул тарзда “Синквейн” тузиш вазифаси берилди.

Иккинчи босқич эса гурӯҳни 4та кичик гурӯҳларга бўлишдан бошланди. Ҳар бир гурӯх аъзолари ўзи тузган синквейнини айтиб, маслаҳатлашган ҳолда битта кичик гурӯҳга тегишли бўлган синквейнни танлашди. Гурӯх сардорлари тузган синквейнни тақдимот қилишди.

Талабалар ушбу технологияни биргаликдаги фаолиятда амалга оширди, Мазкур технология талабаларни матн устида фикрлаши, ўз ғояларини шакллантириши ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтирди.

Технологиянинг мақсади - талабалар иқтисодий билимларини чукурлаштириш, уларда иқтисодий идрок ва зеҳни шакллантириш.

Мазкур технология беллашув тарзида ҳам уюштирилиши мумкин.

«Синквейн» технологияси

1–қатор – тушунча :

Ялпи ички маҳсулот ;

2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат :

Ялпи миллий маҳсулот ;

3-қатор – ушбу тушунча вазифалари түғрисидаги 3 та феъл:

Ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот

тушунчаларини фарқи;

4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз сўз бирикмаси:

Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усуллари;

5-қатор – ушбу тушунча синоними:

**Қўшилган қиймат, сарф харажатлар ва даромадлар бўйича
ҳисоблаш усуллари**

Дарснинг иккинчи босқичи “Тоифалаш” усули ёрдамида олиб борилди.


Талабаларни 3 гурухга бўлдим. Талабаларга жадвал ёрдамида тадбиркорлик шаклларини тоифалаш вазифаси берилди. Кичик гурухларнинг барча аъзолари фаол қатнашди. Кичик гурух вакиллари жадвални намойиш қилди ва изоҳ беришди.

3.2. Коллежда “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялар усулидан фойдаланиш бўйича тавсиялар

Коллежда “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитишда янги педагогик технологиялар усулидан фойдаланишда кластер усулинин тадбиқ этишга ҳаракат қилдим. Кластерга ажратиш педагогик стратегия бўлиб, у кўп вариантли фикрлашни урганилаётган тушунча (ходиса, воеалар) уртасида алоқа урнатишмалакаларини ривожлантиради. “Кластер” сўзи гунча, бодгам маъносини англатади. Кластерга ажратишни англаш ва мулохаза қилиш, боскичларидаги фикрлашни рагбатлантириш учун куллаш мумкин. Асосан у янги фикрларни уйготиш, мавжуд билимларга етиб бориш стратегияси бўлиб, муайян мавзу бўйича янгича фикр юритишга чорлайди.

Ялпи миллий маҳсулот сўзига кластер

тузиш⁵



⁵ Муаллифнинг шахсий ишланмаси

“Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитишида Кластер усулидан фойдаланиш бўйича Самарқанд иқтисодиёт коллежидаги амалиёт раҳбарим ёрдамлари катта бўлди, 1-107 гурухда ўтилган дарсга қуийдагича фикр билдириди:

Маматқурова Гулноза битирув олди малакавий амалиёт даврида ўзини яхши томонлама кўрсатди: маъсулият билан ёндашди, барча топшириқларни ўз вақтида бажарди. Ёш бўлишига қарамасдан очиқ дарсни ноанъянавий тарзда ташкил этди ва дарсни яхши ташкил қилди.

“Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитишида Кластер усулидан фойдаланди. Маҳорат билан барча талабаларни дарсга жалб қилди, дарсни ҳар бир босқичини тўғри тақсимлагани учун дарс ўз мақсадига етди ва вақтида бошланиб вақтида тугади.

Ноанъянавий дарс давомида барча талабалар фаол қатнашди. Хатто пассив талабалар ҳам қизиқиб кетди ва жавоб беришга ҳаракат қилди. Ўтилган мавзу дарснинг мақсадига мувофиқ мустаҳкамланди, ҳар бир талабага уз фикрини эркин ифода этишни таъминлаб берди ва шунга эришди. Мазкур технологияни қуллаш орқали машғулотнинг мақсади ва мазмунига талабаларнинг узлари тезроқ етиб келдилар ва келгуси фаолиятларида нималарга эътибор бериш лозимлигини узлари англалилар.

Талабалар рейтинг тизими асосида баҳоланиб борди. Баҳолашда талабаларни билимига, бу мавзуни қандай даражада ёритиб беришига алоҳида ахамият берди.

Дарснинг яна бир афзал томони шундаки: Маматқурова Гулноза барча талабаларни қисқа вақт ичида баҳолади (биронта талаба четда қолмади) Дарснинг камчилиги: баҳс-мунозара бўлганлиги сабаб аудиторияда шовқин юзага келди.

Кейинги босқичда колледж талабалари томонидан “Т-шема” асосида дарс натижалари баҳоланди ҳамда колледжнинг ўқитувчилари томонидан “**Кластер усули** ” масаласи муҳокама қилинди.

“Т-шема (таққослаш, баҳолашни ўргатувчи метод) – икки хил маълумот: ахборот, турли қарашларни таққослашнинг универсал график тарзда ифода этилиши бўлиб, талабаларни ўрганилаётган мавзу бўйича мавжуд қарашларни таққослаш улар асосида қарор қабул қилишга ўргатади.

Изоҳ: Ушбу иккита масаланинг ютуғи ва камчилигини кўрсатиш учун,(талабаларга) иккита гурухга биттадан оқ қоғоз тарқатилади ва муаммонинг камчилиги ва ютуғи талабалар томонидан кўрсатиб берилади.

1-чи гуруҳ.

Талабалар томонидан юқоридаги масалалар қўйидагича таққосланади:

“Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитишида ноанъянавий таълим усуллари мавзусида ўтилган ноанъянавий дарс жараёни	
Афзалликлари	Камчиликлари
<ol style="list-style-type: none">Қисқа вақт ичida кенг хажмдаги маълумотларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилиши таъминланади.Дарсда хар бир талабага индивидуал ёндашилди ва индивидуал баҳоланди	<ol style="list-style-type: none">Дарсда баҳс-мунозара мобайнида шовқин юзага келди.Вақтни тақсимлашда қийинчиликларга дўч келиши.

2-чи гурух.

Кўргазмали анъанавий таълим	
Афзалликлари	Камчиликлари
<p>1. Ахборотни тўплаш, хотирада сақлаб қолиш, мустаҳкамлашга ўндаш.</p> <p>2. Дарсни катта гурухларда қўллаш қийинчилик тўғдирмайди</p> <p>3. Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиш.</p>	<p>1. Қандай натижага эришиш кўпинча ноаниқ. Мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш кўникмаси ривожланишига имкон яратмайди.</p> <p>2. Ўқув мақсадлари ва вазифалари доимо аниқ қўйилавермайди.</p> <p>3. Таълим марказида ўқитувчи бўлади. Бу эса талабаларнинг бир томонлама яъни фақат тайёр билимларни ўзлаштиришга имкон беради.</p> <p>4. Тайёр билимлар баён қилинади. Ўқитувчи ёки талабада ижодкорлик, ташаббускорлик намоён бўлмайди.</p> <p>5. Таълим беришнинг устивор методлари-баён қилиш ва сухбат. Бунда талабанинг мустақил фаолият олиб бориши, фикрлашига эришолмайди.</p>

Мен ушбу усул орқали талабалардан ўтилган дарс жараёнининг афзалликлари ва камчиликларини кўрсатиб беришларини сўрадим ҳамда талабаларни икки гурухга ажратдим.

- биринчи гурухга “**Ялпи миллий маҳсулот**” мавзусини ўқитишида **Кластер усули** ” буйича ўтказилган ноанъанавий дарс жараёнининг афзаллиги ва камчилигини кўрсатиб беришларини;

-иккинчи гурухга – “Кўргазмали анъанавий таълим”нинг камчиликлари ва афзалликларини таққослаб кўрсатишлари лозимлигини ўқтиридим.

Демак, юқоридаги фикрларни умумлаштириб ягона бир хulosага келамиз:

Анъанавий таълимдаги ўқитувчининг тўла назорати – барча талабалар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмас экан, натижада талабаларнинг машғулотдаги пассивлигига ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасини пасайишига олиб келар экан.

Ноанъанавий таълимда эса - ноанъанавий таълим усулларидан Кластерни таълим жараёнида қўллаш орқали талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш талабаларни кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида якка, кичик гурух ҳолда таҳлил этиб хулоса чиқара олиши мантиқий фикрлашига имконият яратар экан.

Менинг назаримда, ноанъанавий таълим усулларидан Кластер усулини жорий этишда қўйидаги методик тавсияларга эътибор бериш керак:

1. Лицей ва коллежларда Кластер таълим усулридан фойдаланиш даражаси юқори бўлиши керак, яъни ҳар бир ўқитувчи ноанъанавий таълим усулларини ва уларни татбиқ этишни мукаммал билиши керак.
2. Лицей ва коллежларда Кластер таълим усули бўйича маҳсус курсларни ташкил этиш ва уларга барча ўқитувчиларни жалб этиш
3. Лицей ва коллежларда Кластер таълим усулидан фойдаланиб дарсни ташкил қилиш учун мос шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак.
4. Лицей ва коллежларда техник воситалардан фойдаланиш даражаси юқори бўлиши яъни барча ўқитувчилар компьютер саводхонлигига эга бўлиши.

5. Кластер таълим усулини ташкил қилганда шовқин юзага келмаслиги учун кичик гурухдаги ҳар бир талабага қоғозга ёзилган рақамларни тарқатиб рақам бўйича жавоб беришни талаб қилиш шарт

Хозирги вақтда ўқитувчилар билан бирга талабалардан ҳам янги, ноанъанавий таълим усулларини яхши билиш, ўқитувчининг ушбу усулларни кўллаб дарс бериш, талабаларни эса, улардан фойдаланиб дарсни ўзлаштириш кўниумасини шакллантириш лозимлиги талаб қилинмоқда. Бу ўз навбатида, ноанъанавий таълим усулларидан фойдаланишни нафақат ўқитувчилар, балки талабалар ҳам ўзлаштирган бўлишлигини тақозо қилмоқда.

“Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитиши жараёнида Кластер таълим усулини жорий этиш тажрибасини ўрганиш ва унга ижодий ёндашиш, ўкув жараёнини инсонпарварлаштириш, бунда талабани суст объектдан фаол субъектга айлантириш, билиш фаолиятининг аниқ мақсадларга йўналганлигини ҳамда ўкув жараёнини ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчанлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, педагогларда турли шаклдаги тест топшириклари тузиш, уларни синаш малакалари шаклланади ва такомиллашади.

Кластер таълим усули доирасида яратилган турли хил дидактик конструкцияларга мурожаат қилиш эса ўкув жараёнини ташкил қилишга оқилона ва ижодий ёндашишга, бунда ўқитувчи ўз эркинлигига эга бўлиши, дарсда кўлланилган турли шакл, услугуб ва воситалар самарадорлигини ўзи баҳолашига имконият яратади. Шуни таъкидлаш лозимки, Кластер таълим усули тамойиллари ва қоидаларига амал қилиш, ўкув жараёни мазмунини талаба шахсига, унинг қизиқишилари, интилишилари, ёш даврлари хусусиятларига ва индивидуал ўзлаштириш суръатларига мувофиқ ҳолда олиб борилишини таъминлайди

Чунки аксарият холларда анъанавий дарсларда ўқитувчи фаолияти устун бўлиб келмоқда. Бу муаммодан чиқиш учун, дарс жараёнини қайта тузиш, дарсларда ўкувчини фаоллаштирувчи услубларни қўллаш лозим.

Ушбу вазифани хал этиш учун коллежда қандай тадбирларни амалга ошириш даркор. Масалани муаммо тарзида ечимини топиш учун коллежнинг

ўқитувчилари билан мулоқотлар ўтказдим. Мулоқотларда айтилган фикрлар умумлаштирилиб қуидаги хulosага келдим.

1. Тажрибали ўқитувчилар дарсларда ўқувчи фаолиятини устун бўлишига эришиш учун ноанъанавий услубларни қўллайдилар, амалий машғулотларга кўп соат ажратадилар, мантиқий мушохадалар орқали ҳам ўқувчи фаолиятини оширадилар. Дарс мавзуу режаларида талаба фаолияти устун бўладиган услубларни кўп бўлишига эришадилар.

2. Дарсларда талаба маъсулиятини шакллантирувчи, янги билимларни эгаллашга қизиқтирувчи дидактик ўйинлардан фойдаланадилар.

3. Мустақил фикрлашни шакллантирадиган дарс услубларини қўллаш, талабани мустақил ўқишга билим олишга фикрлашга ўргатадиган услубларни режалаштирадилар.

4. Танқидий тафаккурни ривожлантирувчи дарс шакллари ва тадбирларидан фойдаланадилар.

5. Талабаларда изланувчанлик фаолиятини ривожлантирувчи, дарс услублари, машғулотларини қўллаш, тўгараклар, кечалар, саёхатлар, учрашувлар, олимпиадалар, мусобақалар, беллашувлар, кўриклар имкониятларидан фойдаланадилар.

6. Талабалар билимини холисона аниқловчи назоратни такомиллашган шаклларини жорий этадилар.

7. Коллеждан ташқари мустақил билим олиш, янги ахборот технологиялари, интернетдан фойдаланишни йўлга қўядилар.

8. Истак – хошиш ва иқтидорига қараб ихтисослашган, таълим муассасаларида билим олиш имконияти яратилади.

9. Чет эл таълим соҳасидаги илгор тажрибаларни моддий шароитимизга мослаштириб фойдаланишга этибор берилади.

10. ДТСларини татбиқ этишда яратилган тажрибаларни аниқлаш, уларни ўрганиш, жорий этилади.

11. Талабаларни таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тизими компонентлари имкониятларидан фойдаланадилар.

Хулоса қилиб айтганда ўқитувчи билан ўтказилган муроқотда колледж тажрибасида амалиётдан қулланилаётган тажрибаларга алоҳида этибор бериб, талаба ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган холда чуқур билим олишни кафолатладиган педагогик технология тизими яратилади.

Ноанъанавий таълим дунёқарашни шакиллантириш бази яхши тадбирларни онда-сонда ўтказиш билан шаклланмайди. Бунинг учун колледжа қатор бир-бирини тўлдирадиган тадбирларни ташкиллаштириш лозим. Айрим яхши қоидаларни талабаларга қайта-қайта такрорлаш, уларни мухокама қилиш, баҳслашиш керак.

Ўтказилган тадбирлар уларни эшитганлари, кўрганларидан ташкари, талабаларни илхомлантириши хам лозим. Шу мақсад йўлида узлуксиз фаолиятгина янги педагогик дунёқарашни шакллантиради. Ўқувчиларда комил инсон бўлиш орзусини мужассамлантиради. Педагогларни ҳам мақсади шу.

Чунки, афзалликларидан бири шундаки, у ўқитувчидан ҳам, талабада ҳам мавжуд имкониятларни ишга солиш учун рағбат уйғотади, ҳар иккаласида ҳам бирорларнинг назоратини кутиб ўтирасдан, ўзларини-ўзлари назорат қилиб туриш кўникмасини сингдириб боради.⁶

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, ноанъанавий таълимни Кластер усулини таълим жараёнига қўллаш орқали талабалар ўзлари эгаллаётган билимларни ўзлари излаб топадилар, ўзлари мустақил фикрлайдилар ҳаттоқи қарор ёки хулосани ҳам ўзлари чиқарадилар. Ўқитувчи эса фаолиятни бошқариб, кузатиб, йўналтириб боради.

⁶ Пардаев М.Қ. Иқтисодий фанларда педагогик технология: назария ва амалиёт Т., 2012, 126.

3.3 Самарқанд иқтисодиёт касб-хунар колледжида техника ва ёнғин хавфсизлиги.

Битирув малакавий иши «Хаёт фаолияти хавфсизлиги» бўлимини бажаришнинг муҳим ва масъулиятли томонларидан бири, танланган мавзу бўйича ишлаб чиқариш корхона, муассаса, ташкилот ва бошқаларнинг маълумотларини тўплаш ва улар устида ишлаш ҳисобланади. Маълумотларни тўғри танлаб, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳолати бўйича уларни тўла тўплаш ва таҳлил этиш малакавий ишнинг сифатли бажарилиши гаровидир. Ушбу маълумотларни тўплашнинг асосий қисми ишлаб чиқариш амалиёти ва битирув олди амалиётлари даврида амалга оширилади. Битирув иши учун, кўрсаткичларни солиштириш зарурияти туғилса, талаба илмий раҳбари, маслаҳтчи билан келишган ҳолда, бошқа корхоналарнинг материаллари ёки меъёрий хужжатлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Таълим муассасаси материалларини ўрганиш бўйича маълумотларни тўплаш (топшириқ ва ҳисбот хужжатлари, маълумотномалар, текшириш материаллари ва ҳ.к.) билан бир қаторда талаба улар асосида қўшимча жадваллар, далолатнома тузади ва таҳлиллар ўтказади. Масалан, иш жойининг ёритилганлик даражаси (хоналар бўйича), шовқин даражаси, чангланиш ҳолати, ҳарорат шамол тезлиги, баҳтсиз ҳодисаларда тузиладиган далолатнома (Ҳ 1, 2 шаклларда), меъёр хужжатлар рўйхати, ёнғиндан эвакуация қилиш шемаси, ёнғинга қарши қурол-аслаҳаларнинг бор-йўқлиги, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш учун восита ва аптечка билан таъминланганлиги ва ҳ.к.

Бу ўз навбатида камчиликларни аниқлаш, муаммоларнинг ечимини топиш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Ўсмирлар учун бир календар ой миқдорида йилнинг энг яхши даврларида ёки ўзи ҳоҳлаган вақтда дам олиш кунлари берилиши керак. Ўсмирлар меҳнатидан тунгти ишларда, ишдан кейин қолиб ишланадиган ишларда, дам олиш кунларида фойдаланиш бутунлай тақиқланади. Ўсмирлар соғликлари учун заарли моддалар ажралиб чиқиш билан боғлиқ бўлган ишларда ишлатиш мумкин эмас. Машинасозлик саноатида ўсмирлар меҳнатидан сехларда, ҳар хил шамоллатиш тизимларини ремонт қилиш ва тозалашда, шунингдек, симоб ва

симоб бирикмалари билан ишланадиган баъзи бир ишларда фойдаланиш мумкин эмас.

18 ёшга тўлмаган ўсмир болаларга 16 кг гача, қизларга эса 10 кг гача бўлган оғирлиқдаги юкларни кўтариш рухсат этилади. Ўсмирлар ишга қабул қилинаётган вақтда тиббиёт кўригидан ўтказилади, шунингдек 18 ёшга тўлгунча йилига белгиланган режага мувофиқ тиббиёт кўригидан ўтказиб турилади. Агар тиббиёт кўриги ўсмир бажараётган иш, унинг соғлигига салбий таъсир кўрсатаётгани сезилса, ўсмир дарҳол хавфсиз ва енгилроқ ишга ўтказилади.

Баъзи бир соҳаларда заарли иш шароити бўлган жойлар учраб туради. Мехнат қонуниятига асосан бундай жойларда ишловчилар учун устама хақ тўланади ёки иш соати қисқартирилади. Иш соатининг қисқартирилиши натижасида ишчи заарли моддалар бўлган зонада камроқ бўлади ва бу билан у камроқ заҳарланади.

Заарли моддалар ажралиши мумкин жойларда ишловчи иш кунларида 0,5 литр микдорда сут ёки шунга яраша бошқа эҳтиёт чора сифатида маҳсулотларни оладилар. Сут олиш зарур бўлган касбларни ФЗКУ билан келишилган холда корхонанинг раҳбар ходимлари белгилайди. Бунга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилган илмий хуносалар асос қилиб олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси мазмунида таълим муассасалари маъмурияти меҳнаткашларга ишлаб чиқариш билан боғланган ҳар қандай шикастланиш ёки заарланишни, шунингдек моддий йўқотишни қоплаш мажбуриятини олади.

Хавфсиз ишлаш шароитини яратиш борасида йўл қўйилган ҳар қандай камчилик ёки хавфсиз ишлаш шароитини ташкил қиласлик натижасида ишчининг бахциз ҳодисага учраши таълим муассасининг ёки раҳбар ходимларнинг айби хисобланади. Моддий йўқотишни қоплаш миқдори ва тартиби маҳсус қоидалар асосида олиб борилади.

Юқорида биз меҳнат қонуни, кодекси ва айрим меъёрий ҳужжатлардан қонун, қоида ва кўрсатмалардан айримларини кўриб чиқдик. Шулардан хуноса

қилиб айтишимиз мумкинки, Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳаёт фаолияти етарли қонун ва қоидалар билан кафолатланган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигига меҳнат муҳофазаси, қонунда кўрсатилганидек:

Самарқанд иқтисодиёт коллежида меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуаси, социал-иқтисодий, ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олар экан, демак барча жабҳаларда фуқароларнинг меҳнат қилиш шароити талаб даражасида яратилиши лозим.

Таълим муассасаларда ўқитувчи ва ўқувчилар ишининг хавфсизлик даражаси, шунингдек, хизмат малакаси ишчининг стажи, лавозимидан қатъий назар ишга қабул қилинганда белгиланган муддатларда техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан танишиб чиқишлари зарур ва шарт. Йўриқлантирув 2 та: Биринчи кириш ва иккинчи иш жойидаги турлардан ташкил топади.

Кириш йўриқлантируви техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва тиббиёт хизмат ходимлари томонидан ўтказилади. Унда янги ишга кираётган ишчини мазкур корхонанинг ички тартиб-қоидалари, шу жараённинг ўзига хос заарли хусусиятлари, техника хавфсизлиги меъёрларини бажариш мажбурияти, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва баҳциз ҳодиса рўй берганда биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари билан таништирилади. Буларнинг барчаси Самарқанд иқтисодиёт коллежида жорий қилинган бўлиб, худудий ёнғин хавфсизлиги маъсул ходимлари томонидан истиқболли режалар ва харета ишлаб чиқилган ҳамда Самарқанд иқтисодиёт коллежида тадбирлар режалаштирилга тарзда амалга оширилиб келинмоқда.

Самарқанд иқтисодиёт коллежида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқитиши ва ташвеқот ҳамда тарғибот қилиш мақсадида техника хавфсизлигига оид маҳсус хоналарбарпо этилган. У хоналарда техника хавфсизлигига доир қўлланмалар, маҳсус адабиётлар, замонавий шахсий

ҳимояланиш воситалари бўлиши зарурлиги хисобга олинган. Бундай маҳсус ўқув хоналари умумий йўриқлантирув ўтказишда фойдаланилади.

Таълим муассасаларида кадирлар ишлаб чиқаришда ўқитувчиларга соғлом ва хавфсиз меҳнат қилиш шароитини яратишда, меҳнат қонуни, кодекси, низомидан бошқа меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизими катта ўрин тўтади. Улардаги қўйилган вазифани бажаришда ва нормадаги шароитни таъминлашда меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими – системаси (ММБТ) инобатга олинади. ММБТ фаолиятига меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни режалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш, ишларни барқарорлаштириши киради. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ташвиқот олиб бориш, хавфсизлик талабига биноан ўқитиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, ускуналар, жараёнлар, бино ва курилмалар хавфсизлигини таъминлаш, санитария –гигиеник меҳнат шароитини яхшилаш, ишчиларни шахсий муҳофаза воситалари ва меҳнатни нормадаги режими, дам олиш билан таъминлаш, санитария-маиший хизмат, мутахассисларни касби бўйича танлаш каби вазифалар тизимнинг таркиби ҳисобланади.

Таълим муассасасида ҳар бир раҳбар ва ходимнинг Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига амал қилиш, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир қаторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бу борада, ялпи сафарбарлик билан Самарқанд иқтисодиёт коллежида меҳнат хавфсизлигига доир барча қарор ва хужжатларни таҳлил қилиш, келгусида меҳнат хавфсизлиги даражасини кўтариш, иш юритишида техника хавфсизлиги машғулотларини ўтказиш, меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этиш, таълим муассасаси ўқитувчи-талабалари, ўқитувчи ва ишчилари ўртасида шикастланишининг олдини олиш ҳамда давлат стандарти масалалари талабларига риоя этиш мақсадида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»

Қонуннинг қабул қилинганлиги мақсадга мувофиқ бўлиб, бу соҳадаги барча чора-тадбирлар айнан қонун асосида талаб этилади.

Агар биз «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни мазмун жиҳатидан кўриб чиқсак, унда унинг ўз таркибида жамоа шартномаси, меҳнат интизоми, аёллар ва болалар меҳнати, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа масалаларни мужассамлаштирилганлигининг гувоҳи бўламиз.

«Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун заарли бўлган омилларни бартараф қилиш, баҳциз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария – гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора – тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юқлатилганлиги кўрсатиб ўтилган. Касбий заарларликлар мавжуд бўлган ҳудудларда меҳнат қиласидан ишчилар учун қисқартилган иш куни, қўшимча дам олиш кунлари жорий этилиши, заарли иш жойларида ишлаганларга, яъни жуда иссиқ ҳароратли, совук, зах ва соғлиқ учун заарли шароитда меҳнат қилаётганлар учун маҳсус устама ҳақ ҳамда ҳимоя кийимлари берилиши кўзда тутилади. Касбий касалликларнинг олдини олиш, ишчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларни ўрнатилган тартиби жорий этилган.

Ўта хавфли ишларда ишлайдиган ишчилар хавфсиз ишлаш усуллари бўйича маҳсус ўқитилади. Буларга босим остида ишлайдиган идиш ва аппаратлар, газда ишлайдиган машина ва аппаратлар, компрессорлар, электр ускуналарда ишлайдиган лифтлар, электр транспорти ҳайдовчилари, газ ҳамда электр пайвандчилар ва шунга ўхшаш касбларда ишлайдиган ишчилар киради. Бундай ишларга ишчиларни қўйишдан олдин уларнинг билими синаб кўрилади ва уларга «наряд рухсат» берилади. Унда ишни бошлаш ва тугатиш вақти, ишни бошлашдан олдин тайёргарлик кўриш тадбирлари ёзиб қўйилган бўлади.

Наряд рухсатлар бош мухандис, бош механик, бош энергетиклар томонидан берилади. Улар хавфсизлик техникаси бўйича аттестациядан ўтган бўлиб, хавфли ишлар бўйича жавобгар ҳисобланадилар ва корхона директори томонидан тайинланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш талабарини ташвиқот қилиш, амалга ошириш, режалаштириш учун ҳужжатлар тайёрлашда 1974 йил 1 июлдан амалда бўлган меҳнат хавфсизлиги стандартлар системаси (MXCC) дан фойдаланилади.

MXCC беш турга бўлинган, масалан:

1) Ташкилий – услугий стандартлар – ГОСТ 0.001-82, ГОСТ 12.0.002-74, ГОСТ 12.0003 -74, ГОСТ 12.004-79.

2) Ишлаб чиқаришдаги заарли, хавфли бирликларга талаб ва нормалари стандартлари – ГОСТ 12.0.003-74

3) Ишлаб чиқариш ускуналарига хавфсизлик талаблари стандартлари – ГОСТ 12.2.003-74

4) Ишлаб чиқариш жараёнлари хавфсизлиги талаблари стандартлари – ГОСТ 12.3.003 -74.

5) Ишчиларнинг ҳимоя воситаларига бўлган талабалари 1973 йилдан эътиборан 300 дан зиёд стандартлар тасдиқланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришга янгидан-янги технология ва машина-ускуналарнинг жорий этилиши ишлаб чиқаришда ишлаётган ҳар бир ходимдан юқори малакани эгаллашни, техника қонунларини яхши тушунишни ва унга амал қилишни талаб қилмоқда. Ҳозирги вақтда ишчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўплаб қоида, норма, инструксиялар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, саноат корхоналарида бахлиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолиб кетишини таъминлайдиган ва тартибга соладиган шароит мавжуд эмас. Корхоналарнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиб ўзи учун мос келадиган меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инструксиялар тизими ГОСТ 12.0.004-79 (MXCC) ташкил қилинган.

Бу тизимлар таълим муассасаларини педагог ва ишчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи иш ускуналарини ўргатиш билан ишчининг меҳнат хавфсизлигини саклаш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

Меҳнат хавфсизлиги тадбирларини яратиш ва уларнинг ижтимоий иқтисодий самарадорлиги муҳим ҳисобланади.

Касаба уюшмаси низомига асосан корхона касаба уюшма қўмитаси воситачилигига ҳар йили маъмурият билан ишчи – хизматчилар ўртасида ўзаро меҳнат муносабатлари тўғрисида жамоа битими тузилади. Бу битимда ўқитувчи ва хизматчиларнинг меҳнат қилиши, маданий ва майший дам олиш тадбирлари ҳақида келишиб олинади.

Тузиладиган битимда меҳнатни муҳофаза қилиш чора – тадбирлари, меҳнат шароитини яхшилаш масалалари ҳам эътиборга олинади ва бу масалалар маълум тартибга келтирилиб, меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора – тадбирлари сифатида битимга қўшиб қўйилади.

Касб-хунар колежларида номенклатура чора – тадбирлари режасини касаба уюшма қўмиталари билан келишилган ҳолда корхона маъмурияти тузади. Унда ушбу корхонада ҳозирги меҳнат шароити, касб касалликлари ва саноат корхонасида инсон организмига таъсир қилувчи заарли омилларнинг мавжудлиги асос қилиб олинади. Бу режа касаба уюшмаси билан келишилгандан кейин ишчиларнинг умумий мажлисида муҳокама қилинади.

ХУЛОСА

Бити्रув малакавий ишни хулоса қисмида шуни такидлаш “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитиш методикаси” мавзусини белгиланган тартибда ёритиб беришга мувофиқ бўлинди. Битириув малакавий ишни барча режалари назарий ва амалий томонлари янги педагогик технологияларнинг замонавий усул ва воситалари ёрдамида баён қилиниб борилди. Самарқанд иқтисодиёт коллежи 2-3 босқич талабаларига битириув малакавий ишни мавзуси дарс жараёнига технологик хариталар асосида жорий қилинди ва Битириув малакавий ишни учинчи боб “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитиш методикаси деб аталган бўлиб унинг моҳияти тўлиқ ёритиб берилди. Бундан ташқари талабаларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш масалаларига доир кўргазмали қуроллар ва уларни назарий таркибий жихатлари ҳам тушинтирилиб борилди.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилар эканмиз бизнинг битириув малакавий ишимиизда баён қилинган масалалар натижасида шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустаҳкам назарий билим, фаолият, кўникум ва малакаларини шакллантириш, уларни касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш давр тақозоси ҳамда ижтимоий зарурият сифатида кун тартибиға қўйилмоқда.

2. Таълим жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жихатдан ўзгаришини таъминлайди.

3. Янги педагогик технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади.

4. Коллеж миқиёсида баркамол шахс ва малакали мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятлари ҳамда уларнинг самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

5. Самарқанд Иқтисодиёт коллежи амалиётида “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитиш методикаси” мавзусини ўрганишда янги педагогик технологияларнинг имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Коллежда ушбу мавзу бўйича ўтилаётган дарснинг тахлили шуни кўрсатдики дарс анъанавий усул асосида ўтилади ва бу холат ушбу мураккаб мавзуни ўзлаштиришда ўзига хос қийинчиликлар туғдиради.

6. “Ялпи миллий маҳсулот” мавзусини ўқитиш методикаси” мавзусини ўргатишда “синквейн” “тоифалаш” айниқса “кластер” каби усуллардан фойдаланиш яхши самара беради. Шу сабабли келажакда ушбу мавзуни ўргатиш жараёнида ушбу усулларни кенг қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида таълим хизматларини янги инновацион ғоялар билан бойитиб бориш ва илгор педагогик технологияларни таълим соҳасига жорий қилинишини янада замонавий йўналишларидан фойдаланиш комил инсон негизини очиб берувчи масалалардан биридир.

Битирув малакавий ишнинг якуний хulosи қисмида шуни айтиш керакки, илғор янги педагогик технологиялар тарзида тизимли ёндошувлар асосида касб-хунар коллажлари ўқувчи-ёшларини ватанпарварлик, тежамкорлик, иқтисодий муносабатларда рақобатбардошлиқ, фидоий ва комил инсонлар даражасида ўз касбини ҳақиқий жонкуярлар қилиб тарбиялаш замон талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар.

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2011.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг ”Таълим тўғрисида”ги қонуни. –Т. ”Ўзбекистон” 1997 йил 29 август.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонун. Олий таълим. Меъёрий ҳужжаталр тўплами.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари.

- 2.1.«Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. //Халқ сўзи газетаси, 2011, 3-июн.
- 2.2.“Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимни янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги ПҚ-1761-сон қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 29 май, №56 (12622).
- 2.3..«Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Томонидан Қабул Қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар Стратегияси» Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.
- 2.4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йлдаги Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-2909 сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

- 3.1.Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” - Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 3.2.Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. //Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzasi. - Зарафшон газетаси, 2017 йил 17 январ. 1-4 б.
- 3.3..Мамлакатимизни 2017 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2018 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22-декабрь.

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари.

- 4.1.«Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўкув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли Қарори.
- 4.2.«2010 йилгача бўлган даврда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли Қарори.

V. Асосий адабиётлар.

- 5.1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат, Т.: 2014.
- 5.2. Мавлонова А., Тўраева О., Холиқбердиев К. Педагогика Т.: «Ўқитувчи», 2014.
- 5.3. Подласий И.П., «Педагогика». Учебник. М.: Высшее образования. 2015.
- 5.4. Сайдмуродов Н. Янги педагогик технологиялар. Т.: «Молия», 2014.
- 5.5. Йўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма -Т.: “Иқтисод-молия”, 2015. -300 бет.

- 5.6. Омонов Х.Т., Хўжаев Н.Х., Мадярова С.А., Эшчонов Э.У. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Дарслик.-Т.: Иқтисодиёт молия. 2015. 97-бет.
- 5.7. Ҳакимова М.Ф., Хужаев Н. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма -Т.: “ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯ”, 2014. – 138 бет.
- 5.8. Назизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. 2014. -160 бет.
- 5.9. Асқарова.Ў. “Педагогика” - Тошкент : “Фан” 2008 йил 58 бет.
- 5.10.Азизходжаева Н.Н. Основные тенденции развития высшего педагогического образования в Узбекистане /Под ред. В.А.Сластенина. - Т.: Фан. 2013. –143 с.
- 5.11. А.Ўлмасов, А.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.:Иқтисод-Молия, 2014 й. 424 б.
- 5.12. Искандаров Э.А., Суюнов О.Ж. “Педагогик технологиялар” ўқув қўлланма Самарқанд 2012.
- 5.13. Суюнов О. Ж .”Янги педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” ўқув услугбий қўлланма, Самарқанд-2011.
- 5.14. Суюнов О. Ж. “Педагогик технологиялар” маъruzалар курси Самарқанд-2010.
- 5.15..Асқарова.Ў. “Педагогика” - Тошкент : “Фан” 2014 йил 58 бет.
- 5.16..Азизхўжаева Н.Н. Основные тенденции развития высшего педагогического образования в Узбекистане /Под ред. В.А.Сластенина. - Т.: Фан. 2015 –143 с.
- 5.17..Букантов В.М. Педагогические таинстве дидактических игр. Учебно-методическое пособие. –М.: Московский психолого-социальный институт. Флинта. 2014. –152 с.
- 5.18..Т.Н.Балло. Нестандартное обучение.- М.: Педагогика, 2015 й. 94-б
- 5.19..Вульфсон Б.Л. Сравнительная педагогике история и современные проблемы. –М.: Изд-во УРАО, 2014 –232 с.
- 5.20. Искандаров. Э.А, Б.Годфри, П.Назаров “Узлуксиз таълим бўйича хориж тажрибаси” Самарқанд. 2004 йил.69 бет.

5.21. Йўлдошев Ж.”Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш”-Т., 2008, 130б.

5.22. Қурбонов.Ж.М.”Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” услугий кўрсатма. Самарқанд. 2014 йил.

5.23. М.Мухаммедов, Ю.П.Урунбаева “Кичик тадбиркорлик ва аҳоли бандлиги”, “Зарафшон” нашриёти Д.К.Самарқанд.,2014 йил. 199с

5.24. М.М.Мухаммедов, С.А.Исхакова ва Б.Б.Мардонов “Қишлоқларда аҳоли бандлиги: муаммолар ва ечимлар”,“Зарафшон” нашриёти Д.К.Самарқанд, 2014 йил.

5.25. М.М.Мухаммедов, Л.Н.Халикова, Н.А.Камилова, А.Қ.Тўхтамишев, Ш.У.Ташматов, Ф.Ф.Саломов, Й.М.Халиков ва Б.Б.Мардонов “Иқтисодиёт назарияси” КХКлар учун ўкув қўлланма, СамИСИ, 2017 йил

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

6.1. Иқтисодиёт ва таълим. Журнал. 2017 й.. 1-2 сонлар.

6.2. Халқ таълими. Журнал. 2016-2017 й. 1-2 сонлар.

6.3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016-2017 йилдаги маълумотлари.

VII Интернет сайatlari

1. www.google.uz
2. www.stat.uz
3. www.darslik.uz
4. www.uza.uz
5. www.lex.uz
6. www.pedagog.uz
7. www.nammpi.uz
8. www.ziyonet.uz
9. www.sies.uz

Таълим воситалари - ўқув материалини кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Таълимнинг техник воситалари (ТТВ) - ўқув материалини кўргазмали намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материалини тушунишларига ва яхши эслаб қолишиларига имкон беради.

Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) – графиклар, чизмалар, намуналар ва ҳ.к. бошқ.

Ўқув - услугбий материаллар (ЎУМ) - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

